

Абдумажид АЗИМ

УМИД БЕЛАНЧАГИ
шеърлар

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйи

Тошкент – 2016

УЎК 821.512.133-1
КБК 84(5У)7
А 37

Азим, Абдумажид

Умид беланчаги: шеърлар /А.Азим. – Тошкент:
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2016. – 144 б.

Шеърият мухлислари Абдумажид Азимни яхши танишади. Шу пайтгача унинг «Қалбимнинг ватани», «Руҳи равоним», «Ёруғлик одами» китоблари чоп этилган.

Ушбу китобдан шоирнинг турли йилларда ёзган ижод намуналари ўрин олган. Улар сизга олам-олам завқ беради, деган умиддамиз.

УЎК 821.512.133-1
КБК 84(5У)7
А 37

© Абдумажид Азим
© Ғафур Ғулом
номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйи, 2016

ISBN 978-9943-03-729-8

ДУСТЛАРИМГА

Арзиҳол

Сизлар дили жамларим,
Яширасиз камларим,
Даврангизда ўтирсам,
Тарқар губор, ғамларим.
Энтикиб ҳаяжон-ла,
Болаликка қайтамиз.
Юракда асраб юрган,
Гапларимиз айтамиз.
Айрилиқ ва соғинчлар,
Кунларни улар йилга.
Изтиробу ўкинчлар,
Тиғдай ботар кўнгилга.
Жон жигар, ука-сингил,
Ота элим соддафеъл,
Узоқларда юрсам мен
Дуоғўйим, ўзинг бул.
Омад излаб, бахт излаб,
Кетдим олис-олислаб,
Энди чиқолмас Отам,
Шошдан жўнасам бўзлаб.
Кўзим очиб кўрганим,
Бўлди меҳнат ва заҳмат.

Қирқ йилда орттирганим,
Бир-иккита дуст фақат.
Улларим алпим, норим,
Қизларим номус, орим,
Ойбекачим дилдорим,
Шу менинг йўғу борим.
Ахтарма, эй олис дуст,
Турмушимдан каму куст,
Сен мағизу бизлар пуст,
Майдан қуйгин, устма-уст.
Дардим бир танам билар,
Меҳрибон онам билар,
Айтсам, ғанимлар кулар,
Кўкайларим кул бўлар.
Кетиб кўздан нурумиз,
Юракдан чуғ, қўрумиз,
Йўқотиб бир-биримиз
Ўтиб борар умримиз.
Йилларим Бойчибор от,
Учмоқда боғлаб қанот,
Қўй, унут у ғуссани,
Қандай гузал бу ҳаёт!
Оқшомми ёки тонгда,
Кўзим ҳамон Сурхонда,
Ҳаммамиз иссиқ жон-да,
Дустлар бўлинг, омонда.

2014

ВАТАН

Дунё этиб нағмалар, босса қалбга тамғалар,
Утар дейман ғавғолар, не бўпти, бу савдолар.

Ғанимлар бўлса қасдда, олсалар қисту басга,
Билгинки, сунг нафасда жоним сенга вобаста.

Қўкка туташ чиноринг, муаррих ҳар миноринг,
Қаторда минг-минг норинг, талашар номус оринг.

Навоийдан куй-наво, Темурбекдан бир садо,
Боболардан нур, зиё, ўзингсан мангу бақо.

Ватан ўзинг кузу қош, садқа бўлсин сенга бош,
Асло беролмам бардош, кўзларингда кўрсам ёш.

Қувончимдан жилмайсанг, нақ онамга ухшайсан,
Фарзандим деб яшайсан, дардим олмоққа шайсан.

Зиёрат этсам ўлкам, шаҳру гузаринг кўркам,
Йигитларинг алп, уқтам, қизларинг зебо, тамтам.

Осмонда фаришталар — ҳар бири бир ишдалар,
Ватан обод, элим шод, муқаддас бу ришталар.

Ҳеч кимдан эмассан кам, аҳли олам олди тан,
Соғу омон, хотиржам яшашим бахтим, Ватан.

Тупроқман, хоқу хорман,
найсонингдан баҳорман,
Оламда токи борман, қувонч, ғамингга ёрман.

Сен бор, гурурим — осмон, сен бор,
мушқулим осон,

Узинг бўлсанг меҳрибон
танамда яйрайди жон.

* * *

Қандай гузал эрур умр баҳори,
Муҳаббат утининг шавқу шарори,
Сарву санобарнинг қадду рафтори,
Қийиқ қошию хумор кўзи зори.

* * *

Ёрим, менга боқмай ўтдинг, ногаҳон,
Жоним исқанжага олди доғи ҳижрон.
Хатто тушимда ҳам юзни ўгириб,
Назаринг солмасдан дилим этдинг қон.

ЭЛДОШЛАРИМ

Жоним элим, йўлдошларим, қурдошларим,
Давраларга қўр ташлаган қўрдошларим,
Ака-укам, опа-синглим, қардошларим,
Ўзбек элим – қадрдоним, юртдошларим.

Мулки Турон соҳибларин ўзбек дерлар,
Боболарим Амир Темур, Алишерлар,
Ер юзига доврўқ солган нарра шерлар,
Қадамнинг залворидан титар ерлар.

Гоҳ мусаффо осмонингни тўсиб булут,
Кунлар бўлди, фиғонингдан чиқди-ку дуд.
Элим, бу кун уқубатлар бўлиб унут,
Дастурхонинг тўлдирмоқда барака-қут.

Ўрганишар ўзбегимнинг урфу-тилин,
Кўп элларнинг олимлару тилчилари.
Дейман, кўриб ўғил-қизим, ҳавас қилинг,
Уммонлардан ошиб келган элчиларим.

Тилагимиз тинчлик, дўстлик, эзгуликдир,
Қурилишлар майдонидир бугун Ватан,
Гуркирайди йигит ёшда кучга тўлиб,
Ким эдигу ким бўлдик биз, кўринг келиб.

Тенгу тўшим ҳамда дўсту сирдош, элим,
Шижоатда Фарҳод билан қўлдош, элим.
Қалбингизда чарақлайди қуёш, элим,
Ҳар бирингиз бир узанги йўлдош, элим.

Ота-бобом изи қолган ўр-қирларим,
Сизни қучсам, тўлиб кетар бағирларим,
Елкалари Ер кўрмаган алп, зўрларим,
Омон бўлинг оға-ини, томирларим.

2013

* * *

Умрим адо бўлгунча энди,
Жондин жудо бўлгунча энди,
Суратингни кўзда асрагум,
Юракка жо бўлгунча энди.

2006

САРБОН БЎЛМАСА

Хотиринг жам бўлса, ёрдир ҳаловат,
Тошни ҳам чайнарсан, жонинг саломат,
Оламда гаплар кўп қизиқ, аломат,
Аммо бир ҳикматни, унутма фақат,
Бол ҳам татимайди дармон бўлмаса.

Гоҳида гирдингда оташ гуриллар,
Бошингда бошингдай тошлар гириллар,
Бахтингни кўролмай нокас жириллар,
Азобу огриқдан танинг зириллар,
Шоирлик беҳуда, армон бўлмаса.

То қасос алами кетмас шайтондан,
Иллат-бало ёғмас ҳаргиз осмондан,
Залолат изингдан пойлаган ондан,
Қазойинг етмасдан, тўясан жондан,
Қутулмоққа бирор имкон бўлмаса.

Ҳаёт йўлларида сен бир йўловчи,
Умр бир ўлжадир, бу даврон овчи,
Мунис сингилларинг умринг тиловчи,
Ахтариб овора бўлма қўлловчи,
Онандек меҳрибон инсон бўлмаса.

Оламга кирилар эшигим, Шарқим,
Офтоб шуъласига доимо фарқим,
Сенга бўйлашолмас дунёда ҳар ким,
Жоҳил қавмлардан не эди фарқим,
Қўлимда муқаддас Қуръон бўлмаса.

Севдим шу тупроқни мисли жон қадар,
У менга онадир, у менга падар,
Фурурим юксалди то осмон қадар,
Фурқатдек фурқатда кетардим бадар,
Ватан, саждагоҳим Турон бўлмаса.

Яхшининг яроғи яхшилиқ ва нек,
Ёмоннинг йўриғи адоват ва кек,
Дўстлар, бир гапимни уқиб олинг, лек,
Довруқ солармиди дунёга ўзбек,
Карвонни бошловчи сарбон бўлмаса.

2014

* * *

Ишқ савдоси келмасин қошингга,
Ҳижрон азоби тушмасин бошингга,
Кулфату ғавғолар қўпмасин ташингга,
Ҳасрат оғуси қотилмасин ошингга.

2009

УЛУФ ВАТАН

Эй улуф Ватаним, қутлуғ масканим,
Киндик қоним тўкилган тупроқ.
Каъбам дейми сени,
Кўнгил маҳзаним,
Таърифнинг тарихда узундан узоқ.

Бухорий, Термизий, Хоразмий юзинг,
Боболарим хоки кўзимга тўтиё.
Яссавий, Рабғузий сен асли ўзинг,
Ривоятлар сўйлар “Қиссас-ул анбиё”.

Эй улуф Ватаним, безавол қўргон,
Не азиз зотларга сен булдинг она.
Бағрингда кўз очдик, баҳам тузу нон,
Ватан Ўзбекистон – танҳо, ягона.

Ниятимиз эзгу, орзу-ҳавас мўл,
Юракда ёшликнинг шиддат- шукуҳи.
Истиқлол меъмори, Сиз бунёдкор қўл,
Қўлласин доимо аждодлар руҳи.

Онам Ўзбекистон, мадҳинг минг дoston,
Бағрингда ўсибман мисли бир ниҳол.

Эй буюк саждагоҳ, эй азиз макон,
Олам тургунча тур, топма ҳеч завол.

Фарзандларинг деҳқон, чўпон, миришкор,
Шоним дейми сени,
Қутлуғ айвоним.
Меҳру оқибатинг мудом барқарор,
Бошимиз силайсан сен, Онажоним.

Бу рубъи маскунда тутмишлар маскан,
Сахрою музларни қанча эл-элат.
Кўзи тушиб, қолса сенга дафъатан,
Чиндан ҳавас қилса не ажаб жаннат.

Меҳрингга тан берар дунё меҳвари,
Болам, деб яшаган куйинчак жонсан.
Оламнинг бағри кенг қадим кишвари,
Жаҳонда тенги йуқ – Ўзбекистонсан.

2014

ИНСОН

Эл нетиб топғай мениким,
мен ўзумни топмамон.
Алишер Навоий

Дунё ишларига ҳайронсан, ҳайрон,
Гоҳида қувонсанг, гоҳ дилинг вайрон.
Дўппи тор келганда панд берса-ю дўст,
Ганиминг қўлласа, қолмагин ҳайрон.

Ҳайратга тушмагин дўст миниб отга,
Ўзинг ора йўлда қолсанг-да, яёв.
Ҳолбуки, эртага у тушиб отдан,
Бошқага буюрар бу асов бедов.

Баъзида камтарлик пойгакда қолиб,
Нодонлар давранинг тўрига чиқар.
Ҳатто курашда ҳам гоҳ фириб голиб,
Ёсуман ботирни макр-ла йиқар.

Дунёнинг ишлари дейсану чигал,
Бурнингни тагини кўрмайсан, ҳайҳот.
Тун оқшом япроқда товланган ял-ял,
Ёнарқуртдан гоҳо кутарсан нажот.

Сомон йўлларига боққанча синчков,
Коинот тилсимин ечарсан осон.
Ҳар қарич заминни айлайсан ков-ков,
Назардан қолмади ҳаттоки уммон.

Гарчи зувалангдир оддий бир тупроқ,
Халлоқнинг ердаги ноибидирсан.
Сендай фаришта йўқ, йўқ сендай гумроҳ,
Ўзинг айт, инсон, не абадий сирсан?

Аллоҳ қудратига бешак гумон йўқ,
Лек нечун кўнгилда шубҳалар қат-қат,
Дейсан, биз инсонмиз, ақлда буюк,
Афсус, ўз-ўзингни билмассан, фақат.

2007

ЎЗБЕКИСТОН

Қадди юксак, мағрур тоғларим,
Ғаллазору, чаман боғларим,
Яшнаб ётган сулу соғларим,
Осойишта тонглар, муборак.

Бир-бири-ла ҳамжиҳат, аҳил,
Ўн икки ой тинмай муттасил,
Муъжизалар яратар бу эл,
Довруқлару донглар, муборак.

Намангану, Қарши, Гулистон,
Самарқанду Нукус, Андижон,
Азим Тошкент, Бухоро, Қўқон,
Обод қаҳқашонлар, муборак.

Кўзим очган қадим она юрт,
Бўлсин доим ризқу рўзинг бут,
Хирмонингда ғалла-донинг қут,
Дастурхонда нонлар, муборак.

Боболардан мерос Ватаним,
Саждагоҳим — Каъбамсан маним,
Токи яшнар ҳаёти чамани,
Ўзбекистон шонлар, муборак.

2010

* * *

Элик, ҳатто юз йил ҳам етмас,
Бу дунёни ўрганиш учун.
Сен ҳаётга келгандирсан, бас,
Ёниб-куйиб, ўрганиш учун.

Тонг. Кучага чиқасан, далли
Оёғингмас, бошлаб кетар онг.
Аммо сенга бермас тасалли,
Шовқин куча, жимжит оломон.

Қисматингни яратган Холик,
Дарж этгандир милён йил нари.
Дунё – уммон, сен эса балиқ –
Ва шунгйсан издиҳом сари.

Давомийдир бу ҳолат ҳар кун,
Ҳаловату ором сенга ёт.
Элу юртдан қолмаслик учун,
Уй қурасан, йиғасан бисот.

Сен ҳам барча одамлар каби,
Дейсан, бола-чақам, рўзгорим.
Сабоқ берар ҳаёт мактаби,
Сен-чи, ношуд толиби илм.

Элликми ё юз йил ортингда,
Алмашгандир авлодлар янги.
Сен ойнага боқасан зимдан,
Чаккангда оқ — йилларнинг чанги.

Элликми ё олтмиш йил фурсат,
Оқар сувдай кетмишдир оқиб,
Эвоҳ, умринг ўтгайдир наҳот,
Издихомлар ичра улоқиб.

Ўтиб борар шиддат-ла ҳар он,
Гоҳ кулдириб, гоҳ ёшлаб кўзни.
Англа ҳаёт, синов—имтиҳон,
Инсон, аввал таниб ол ўзни.

2009

БОЛАЛИК АРМОНЛАРИ

Ҳар кун йўл четида чангларга ботиб,
Уйнаб утирар бир яланғоч бола.
Эшқобил Шукур

Болаликнинг шўхликлари — баҳорларда,
Зувиллатиб чиллик ўйнар ангорларда.
Балиқ каби сувда сузиб анҳорларда,
Улғайибман меҳрлару озорлардан.
Уватларда мол-ҳолларга ўт урардим,
Жилғалар-ла қувалашиб югурардим,
Кўкка туташ дарахтларни кўзга илмай,
Шохдан-шоҳга сакрар эдим ҳадик билмай.
Гудакликнинг ифорлари ўткир исли,
Онам булут, отам шамол эди мисли,
Хаёлимни ўғирлама, ай қизғалдоқ,
Ўйнаб-яйраб қуёш билан қувлашмачоқ.
Вақт шамоли олис-олис кетди бошлаб,
Энди Сурхон боғларига бегонамиз.
Ёбонларга болаликни етим ташлаб,
Сулувларнинг тушларида афсонамиз.
Томлар узра ял-ял ёнган қизғалдоғим,
Олов каби ловиллаган ёшлик чоғим.
Бир зум яшнаб очилиб у кулган лола,
Қумқўрғонда қолиб кетган уша бола.
Хазонларни бир-бир босиб афтодаҳол,
Кузги боғда тентирайман хазон мисол.

Болаликнинг шўхликлари келар эсга,
“Севдим...” , дея хат битганим қўшни қизга.
Ёшлик ларзон. Севги армон. Умр ҳайрон,
Мени кутиб сарғайдингми, Сурхондарё?
Қайлардасан, болалигим, зангор осмон,
Ўксик кўнглим улғайтирган армон дунё.
Чанг тупроқли кўчаларим тунлар уйғоқ,
Келарми деб йўлим пойлар неча замон.
Ўтмишдаги қайсар бола – пок, бегуноҳ,
Араз қилиб кетиб қолган аллақачон.

2013

* * *

Сен келсанг-да қувонмадим, бот кетарсан,
Ҳолимни этиб абгор, барбод кетарсан,
Кечди фаслларим ҳажринг кўйида, ой юз,
Олмай туриб жонимни, наҳот, кетарсан?

ЮКСАЛАР ПОК НИЯТДАН

Парвонангдир ҳар куни,
Офтоб қизғанар сени.
Ёритганда тунларинг,
Қизғанади Ой сени.

Узинг лафзи тозасан,
Оламга овозасан,
Заминда ўшашинг йўқ,
Жаннатдан андозасан.

Дилимга ошно, иноқ,
Ҳар гиёҳу, ҳар япроқ,
Аммо кўпроқ баридан
Азиз, муқаррам тупроқ.

Севсаларда жон қадар,
Кетди кимлар дарбадар,
Бежиз Оллоҳ меҳр ила,
Солмади сенга назар.

Авлиё боболарим,
Фаришта момоларим,
Дуога қўл очгайлар,
Нақшбанд, Куброларим.

Фарзандларинг етса буй,
Бошлайсан Ўзбегим туй,
Бахтиёр келин-куёв,
Қутлуғ бўлсин, янги уй.

Қутлуғ янги замонлар,
Ажиб кўшқу айвонлар,
Қилингиз бизга ҳавас,
Узоқ-яқин меҳмонлар.

Бири қошу, бири кўз,
Ўттиз миллион нуфуз.
Айланса битга муштга
Катта-кичик ёру дўст.

Юз очиб ҳурриятдан,
Буйлаб абадиятга,
Ўзбекистон — она юрт,
Юксалар пок ниятдан.

2014



* * *

Сен ким,
Минг йилдирки, гунг қотган қоя,
Тилингни асабий чайнайсан ҳамон.
Умринг лаҳзалари кечса-да зое,
Заррача чекмайсан бундан пушаймон.

Сен ким ,
Минг йилдирки, рубъи маскунда,
Нафс риштасига бойландинг.
Олам деб аталмиш бу кўҳна дунда,
Ўзгармас доира ичра айландинг.

Сен ким,
Минг йилдирки, асраб жонингни,
Жондай дўстларингга бўлмадинг таянч.
Бериб ғанимларга парча нонингни,
Энг қашшоқ сахийга айландинг аянч.

Сен ким,
Минг йилдирки, сарсон-саргардон,
Ўзинг ўзлигингни англамай, билмай.
Ҳар баҳор бодомдай гулладинг ларзон,
Тўкилди гулларинг бир мева қилмай.

2006

* * *

Киргил фано йўлига, Навоийки, даҳри дун
Бу умри бесаботу мадориға арзимас.

Алишер Навоий

Хаёт – бир ялт этиб чақнаган чақмоқ,
Рухимни ўрайди номаълум ҳислар.
Англайман, ҳар нафас омонат, илло,
Ўзини ахтариб ҳақир дил бўзлар.

Кибр жандасига чирмаб танингни,
Ишқ аҳлиданман, дея чалма ноғора.
Ўлдирмай ичингда ётган ғанимни,
Ўзингни ахтариб бўлма овора.

Олам сирларидан ҳайратим ошар,
Бобо бу тоғларим не ўйни ўйлар?
Забон битсамиди бу қадим тошлар,
Не-не тарихлардан ривоят сўйлар?

Очун, тилсимингга ожиздир идрок,
Англагим келади сувлар тилини.
Шамоллар авжига солсам-да қулоқ,
Аммо тушунмайман ўжар феълени.

Ўзининг лафзида борлиқ, инсу жин,
Айтарми Халлоқи Ҳаққа саловат?
Дарахту гиёҳлар сўзин англар ким,
Япроқ шивирида не сир, аломат?

Бир-бирин васлига етмоқ муддао,
Қуёш, ой фалакда чопарми бетин?
Бир кунлик умрида капалак ҳатто,
Ўпиб ғунчаларни, жон берар кейин.

Фаҳму тафаккурим буларга етмас,
Аёнди ҳаммаси ёлғиз Аллоҳга.
Тукилсам бир куни мисли хору хас,
Қоришиб кетмоғим бордир тупроққа.

Эртага ортимдан қоларми нишон,
Манзилим қаёнди, қайда адашдим?
Ожиз бу банданга раҳм эт, Раҳмон,
Бу адам даштининг борми ҳеч гашти?

Бедор, беҳаловат бу умрларда,
Сен-ла тиллашурман, жимгина кўнгил.
Оҳанглар шовури шотомирларда,
Дил ишққа ташнадур, ишққа ташна дил.

2012



ДИЛЛАР БИЛАР

Гузарлардан утсам урэн,
Шиддатимни еллар билар.
Шарҳи дилим этсам баён,
Гунгу соқов тиллар билар.

Ҳолимга лол шоҳу гадо,
Сукутда пири, муттако,
Оғзимдан қон келса гоҳо,
Тар гунчадек гуллар билар.

Тирикликнинг ҳар бир они,
Англа, синов имтиҳони,
Зикр айласам ҳақ – Худони,
Бешак соғу сўллар билар.

Ул ой мани айлади зор,
Овораи хаста, бемор,
Чилвир сочи бўйнимда дор,
Паришон кокиллар билар.

Жабру жафонгми, бу мамот,
Сидку вафонгми бу ҳаёт,
Аслинг недир одамизод,
Сурсанг, обу гиллар билар.

Гоҳи хандон, гоҳи нолон,
Кўп ишларга ақлим ҳайрон,
Чоҳдаги у Юсуф Канъон,
Сотилган бир қуллар билар.

Ўтиб умрдан неча куз,
Кўзгуга бўлсам юзма-юз,
Сочларда оқ, манглайда из,
Тарам-тарам йўллар билар.

Оғу қотарлар ошима,
Сифмарам ичу тошима,
Тушди не кунлар бошима,
Тилка-пора диллар билар.

2013

* * *

Кўйингда харобман, десам, парво қилмайсан,
Ишқингга гарқобман, десам, парво қилмайсан,
Аёгинг қўйдингки, босарсан кўзим аён,
Яъни хок туробман, десам парво қилмайсан.

ФАСЛИ КҮКЛАМ

Фасли кўклам, гуллаган боғларга боқ,
Дашту саҳро, далаю тоғларга боқ.

Аёз кўрпасида дам олиб уч ой,
Керишиб уйғонган тупроқларга боқ.

Адирлар кафтида беғам ўй суриб,
Қайта бошдан болалик чоғларга боқ.

Фасли кўклам, ҳуркак оҳудай қизлар,
Ибодан қимтилган дудоқларга боқ.

Обод булур яна Ватан гўшаларинг,
Кезиб бўстонлар, сўлу соғларга боқ.

Файзиёб кунларнинг шайдо, мафтунни,
Шодумон дўстлар, дили покларга боқ.

2013

ОДАМИЙ БУЛ

Кимлар юрар димоқлари осмонда,
Зуғум айлаб ожизу нотавонга.
Беллашувга чорласанг гар майдонга,
Шоқол каби қочар дашту ёбонга.

Кур замоннинг ажаб-ажаб корини,
Бирда йўғи, бирда эса борини,
Нафс йўлида ким йўқотди орини,
Чекди албат, гуноҳи озорини.

Ҳеч замонда яхши-ёмон бўлмагай,
Минг чиранса, зоғлар булбул бўлмагай,
Бемаҳалда қизил гуллар сўлмагай,
Ажал етмай, ҳеч ким ногоҳ ўлмагай.

Суқир каби юрар гофил инсонлар,
Талонларда талон неча виждонлар,
Нафси учун жонни тиккан ўпқонлар,
Кепак пулга бой берилган имонлар.

Ҳасад-иғво хазон этмай боғларинг,
Эзгуликка тўлдир сўлу соғларинг,
Беҳудага созуриб гул чоғларинг,
Аттанг, дея тутамасин оҳларинг.

Эл билан бўл, улугдир эл дуоси,
Парво қилма ризқу рўзинг кўп-ози,
Даркор эмас сенга фано ғавғоси,
Нодонларнинг ёлғон-яшиқ савдоси.

Камтарликда тупроқдан ҳам бўл ками,
Кўнгли ярим, етимлар дил малҳами,
Мазлумлару ғариблар дўст, ҳамдами
Энг муҳими, аввало бўл одамий.

2010

* * *

Аҳдим бузиб, сенга тараф бурмайин юз,
Дарди дилимни сенга ёрмайин, ой юз.
Уйингга бора-бора қолмади менда юз,
Минбаъд бу йўлга энди кирмайин, ой юз.

2012

ЭЙ ЖОН

Қисмат тадрижи бу, қазо муаллақ,
Фано даштидаким не жонлар лак-лак,
Балойи нафс учун югурар ҳалак,
Ўзини англамай гумроҳу, авбош.

Андалиб наздида чаман не, боғ не,
Дарвеш тариқида ҳақу ҳаллоқ не,
Тарсо юрагида маъбуд, илоҳ не,
Ҳар бири ўзича оқилларга бош.

Беҳабар, беҳабар шафиқ Оллоҳдан,
Мен имдод кутибман ёлғон рӯёдан,
Ишқ экан, энг буюк нажот дунёда,
Дил, уни ҳеч кимга айламагин фош.

Гамангиз, гамангиз ётсам бу оқшом,
Ҳажрида қон-заҳоб ютсам бу оқшом,
Ўзимни ахтариб топсам бу оқшом,
Замзамдай шарқираб кўзларимда ёш.

Ранжу ҳасрат ила тўлибди жаҳон,
Билсам, анча нозик бўлибди замон,
Одамзод феълига ҳеч бўлма ҳайрон,
Дил, сенга тиларман Аюбдай бардош.

2001

ПАРВАРДИГОРДАН БЎЛАК

Кирмайди юрак сўзга
Осмон ҳам яқин кўзга,
Раҳнамойим йўқ ўзга,
Парвардигордан бўлак.

Ҳеч ким билан ишим йўқ,
Давраларга ҳушим йўқ,
Олис-ёвуқ хешим йўқ,
Парвардигордан бўлак.

Тоғни этарсан талқон,
Деганинг дўстим ёлғон,
Баридан кўнглим қолғон,
Парвардигордан бўлак.

Кутсанг-да омад гарчанд,
Ҳаёт эмас асал-қанд,
Ишонганим берди панд,
Парвардигордан бўлак.

Куйиб тутасанг-да гоҳ,
Чекаверма оҳу-воҳ.
Бўлолмас ҳеч зот паноҳ,
Парвардигордан бўлак.

Нисбийдир макону вақт,
Ҳар заррада ҳукми Ҳақ,
Қудрат йўқ мангу барҳақ,
Парвардигордан бўлак.

2014

ЧАЛПАК ЁҚҚАН КЕЧА

“ХОТИРА КУЗГУСИ”

туркумидан

1

Саҳар бир кун уйғониб уйқудан,
Бўзсув ёқасига келсам юз ювмоққа.
Наҳрни тўлдириб оқмоқда қарасам,
Зоғорабалиқ, дўнгпешона, лаққа.

Қўшнилар, тутайлик балиқларни,
Дея ён-атрофга қиламан довуш.
Қўшнилар-чи, ёпиб эшик, туйнукларни.
Ухлар лоқайдларча, мисоли бойқуш.

Қирғоқ бўйлаб югураман зир-зир,
Бўзсув-чи, оқаяпти нортуюдай кўпириб.
Балиқлар мени қилишганча мазах,
Қочар ҳовучим деворларин упириб.

2

Саҳар бир кун очиб кўзимни,
Кўрдим ўзим бегона ётоқда.
Танимаган бир қиз ёнимда,
Сен кимсан, деб берган сўроққа:

“Завжангизман, дейди у бадбахт,
Туйимизга олти ой бўлди нақ.
Тезда ота буларсиз, албат”,
Кулиб-кулиб, сайрар олашақшақ.

3

Саҳар бир тонг ташқари боқсам.
Ҳовли тўлиб ёққанмиш чалпак.
Ахир осмон тинч эди оқшом,
Ўнгимми туш, дейман мен тентак.

Аёл жаҳл билан ўшқирар,
Чалпак ёғса, нима бўпти, хўш?
Хабар топмай қўни-қўшнилар,
Териб олинг, чалпакларни тез.

4

Ётсам бир кун саҳар уйқуда,
Бир чол кичик жуссаси билан.
Нуқар узун ҳассаси билан,
Ҳей, гафлатда қотмагин бунча.

Жаҳл билан сўрдим шу асно:
“Эй чол, ўзи кимсан бер, дарак”:
“Неварангман, сен менга бобо,
Билмайсанми, шуни ҳам сўтак...”

2012

ИНСОН УМРИ

Кунларнинг шитоби ошар тобора,
Сомон йўлларида гардларинг сомон.
Дардинг айтолсайдинг бировга зора,
Яшаш бўлармиди Сенга ҳам осон?

Нега кетармиз, деб чекмагин қайгу,
Янгидан зувала қорар лойингдан...
Кетиш бу... туганмас, абадий уйқу,
Бошқалар келади тахту пойингга.

Чунг ҳикмат нишони куз ила баҳор,
Туғилиш, ўлимда не синоат, сир?
Табиат қонуни собит, барқарор,
Ҳайбатли тоғлар ҳам қулар-ку, ахир.

Тақдир илоҳийдан келса ишорат,
Ажабмас, сахролар жаннатга дўнса.
Сулаймон қурган у метин иморат,
Қулаши бегумон, паймона тўлса.

Жавзода шамоллар ҳовурин пуркаб,
Хазонга совурса гул- гиёҳларни.
Ортидан келувчи кўкламлар кўркам,
Гулларга чулғайди чаман боғларни

Умрингдан кечади замонлар неча,
Толеинг дарахти минг гунча очар.
Фалак аробаси тин олмай пича,
Еллар бир кун хокинг оламга сочар.

Бахтлисан, сахарда очиб кўзингни,
Анвойи гулларни эркалаб суйсанг.
Уларнинг бағрига ташлаб ўзингни,
Бахтлисан, гўдаклик чоғингни туйсанг.

Вазмин тортиб борар тобора сўзлар,
Бот-бот бир ҳикматни борарман уқиб.
Билсам, аҳли башар умри, азизлар,
Лаҳза эсиб ўтган эпкин бор-йўғи..

* * *

Сени севиб бир кун шоду обод бўлмадим,
Боримни барбод этдимун бунёд бўлмадим,
Жунун савдоси кўр, не қилди мени, ой юз,
Вале ишқ домидан бир дам озод бўлмадим.

2013

ҚАРЗИМ БОР

Осмондаги юлдузлар,
Сизга айтар арзим бор.
Ёқди жонимни сўзлар,
Сўлгин-сўлгин тарзим бор.

Ваъда этиб иқбол-бахт,
Толе қуши сайрар шахт,
Эртага не бўлар аҳд,
Кўнгилда ғам, дардим бор.

Бировлар севиб қолар,
Бировлар қараб ола,
Деяр, соғмас бу бола,
Бошқалардан фарқим бор.

Бўлганида дўстим ёт,
Қўлдан тутди етти ёт,
Мактабингдан эй ҳаёт,
Олган сабоқ, дарсим бор.

Гоҳ дўстлар-ла гавжум уй,
Гоҳо маҳзун тортар куй,
Жонни қийнар битта уй,
Ҳақ Эгамдан фарзим бор.

Ким бордир тўқис, бекам
Дунё учун чекма ғам,
Қалб – осмонларга боқсам,
Ямаб бўлмас дарзим бор..

Мени қўллаган қўлдан,
Ота-она, қиз-улдан,
То тирикман, шу элдан,
Уза олмас қарзим бор.

2012

УМИД БЕЛАНЧАГИ

набираларимга

Булутларни ёриб ўтди гоҳ овозим,
Сукутларда қолдим гоҳ тилим тишлаб.
Ўзиб кетди лочинлардан гоҳ парвозим,
Гоҳ тақдир синов қилди, ерга ташлаб.

Эътироз йўқ фармонингга тақдир азал,
Ҳеч чорасиз юмушларга топдим илож.
Шукрим бисёр,
Эгам ризқим этди тугал,
Дусту ёрлар эҳтироми бошимда тож.

Билинтирмай ўтиб борар ою йиллар
Яшайпман бировдан беҳ, бировдан кам.
Бирин-кетин улғайишган қиз-ўғиллар,—
Қанотимдир осмонларга учар бўлсам.

Умрнинг ҳар лаҳзасидан қона-қона,
Ҳаёт билан сирлашаман шайдо, мафтун.
Умидларнинг беланчаги Ватан — Она,
Ардоқлайди наслларни соғлом, дуркун.

Ҳавасларим келар жажжи набирамга,
Бегонадир унга ёлғон ва юз-хотир.

Аммо назар солганимда гоҳ теграмга,
Босиб келар ўйларимни чўнг хавотир.

Еру кўкни титратади фарёд, йиғи,
Кўзасидан чиққан каби ёвуз жинлар.
Ёш-қарини танламайди ажал тиғи,
Узлат сари юз тутмоқда тамаддунлар..

Оқу қора ниятларнинг ўрамида,
Аҳли башар ғавғолардан толиб ухлар.
Таъқиб этар инсонни ҳар қадамида,
Очарчилик, террор, ажал, дайди ўқлар.

Аҳли башар қисматини ўйлаганча,
Хаёлларга ботганимда мунгли, ночор.
Ҳовли, уйни бошларига кўтарганча,
Қийқиради набиралар шўх, беозор.

Бу ҳаётдан энди нима армоним бор,
Пок, навқирон фаслларга юз бурарман.
Неваралар кулгусида шод, беғубор,
Озод Ватан камолини мен кўрарман.

Наслларим - ҳаётимнинг келажаги,
Тулиб борар кундан-кунга улар сафи.
Ўзбекистон – умидларнинг беланчаги,
Бошин силар бир меҳрибон ота каби.

ДАМ ҒАНИМАТ

Бола-чақа, рўзгор учун,
Ё кўзлари хумор учун.
Унутиб номус орингни,
Юз қилай, дея бирингни.
Хижолатдан бўзармасдан,
Ёлгон сўйлаб қизармасдан.
Омонат бу жон — билмасдан,
Худони кўзга илмасдан.
Мардумни қилиб норози,
Ўлчайсан тошу тарози.
Қорундай мол йиғиб гўё,
Чек билмайди нафсинг юҳо.
Кўзни юмиб очсанг, эвоҳ,
Сочу соқол бўлмиш оппоқ.
Изларингдан қувгандек ёв,
Азроил ҳам етиб дарров.
Жонингни қабз айлар тандан,
Жойинг бўлар жаҳаннамдан.
Ёру дўстинг йиғлашиб қон,
Қабристонга элтар шу он.
Умр маъно, моҳиятин
Унутмагин, эй одамзод.
Уқиб ҳаёт китобини,
Инсонлигинг англа, фақат.

Барча гуноҳ-савобингга,
Боққин кўнглим хушёр.
Мункарнакир азобига.
Қиёматда келма дучор.
Умр омонатдир, демак,
Танимизда меҳмондир жон.
Дам ғанимат, тавба қилсак,
Савол-жавоб бўлур осон.
Манзилларинг кўчкинчидир,
Ҳаёт шаминг учгувчидир,
Дунё моли ўткинчидир,
Умри завол етқувчидир.

2011

* * *

Агар сен ёлғизлар ёлғизи бўлсанг
Етти ёт бегона туққан элингга,
Билиб қўй, мабодо бир куни ўлсанг,
Маймунлар йиғласин сенинг ҳолингга.

1988

МАЙДОН ИЧИНДА

Махтумқулига эргашиб

Кутмаганда гоҳи омад угирса юз,
Ғаму ғусса келганида ё устма-уст,
Курмагандай ўтиб кетса ёнингдан дўст,
Ёлғизман деб ёнма, майдон ичинда.

Мўминларни Ҳақ таоло сийламиш,
Нодон фано зиндонига бўйламиш,
Кўзларини нафсу риё бойламиш,
Сўқир каби сарсон замон ичинда.

Кунда минг бор шайтонларга этиб дуч,
Қисмат сендан қайта-қайта олар ўч,
Қанот бойлаб фалакларга магар уч,
Оёғингдан тортар осмон ичинда.

Дунёйи дун жилваланиб савт чалар,
Кўзларингдан уйқу қочар кечалар,
Икки жаҳон овораси нечалар,
Қўним топмас еру жаҳон ичинда.

Савоб иш қил, дохил бўлгин дуога,
Нокаслар қисмати дўнди хатога,

Қарғиш олиб, ким оқ бўлди отага,
Юз қорадир бу ломакон ичинда.

Қойим эркан уқида чархи даввор,
Келинчакдек узига бериб оҳор,
Қайтса яна боғларингга гулбаҳор,
Юзларингни ювгин найсон ичинда.

2010

* * *

Неча юз ўргилиб, сенга парвона бўлибман,
Улус ичинда абгору афсона бўлибман,
Қайда кўрмаки пойингга тўкилган бир хазон,
Кўзимда хун ёшим, саки девона бўлибман.

* * *

Оламнинг ажиб муҳаббати икки дилда,
Эгамнинг буюк неъмاتي икки дилда.
Бил, икки дунё саодати икки дилда,
Ишқ аҳлининг ибодати икки дилда.

2014

ЯШАШ ҲУҚУҚИ

Қанча орзу- ҳавас, қанча гурурни,
Баайни шамолга совурибман, аттанг.
Биродарлар,
Маъзур тутинг, бу суқирни,
Аросат кучада турибман, ҳанг-манг.
Бир пайтлар бу ҳаёт поклик тимсоли,
Оллоҳдан берилган инъом-ку , дедик.
Биз уни яшайлик инсон мисоли,
Ҳалолу покиза, бекин, беҳадик.
Югурмасдим, унда сарсари учрадим.
Тулдирганча ёшлигим кучаларин.
Парилар қулидан шароб ичардим,
Олис қолмиш ул муҳаббат кечалари.
Мен кимман, оддий бир чумоли, ахир,
Туқман, деб алдайман бўлсам ҳамки оч.
Кимгадир жилмайиб қўл узатаман,
Бир бандайи ожиз-ночор, ноилож.
Ахир бу дунёга бир бор келамиз,
Ўлчаб берилгандир умримиз, ахир.
Ноёб бир матодир ҳақ сўз, биламиз,
Ёлғонга тобемиз, аммо, барибир.
Дунёга келиб, хўш, нега ғам еймиз,
Ўзимиз ўзимизга савол берамиз.
Бошқалар ҳам мендан пеш эмас, деймиз,
Хуллас, эл қатори юрамиз.
Оғир,
Эҳ, узингни англамоқ сенга,
Элик йил, ё юз йил судралган махлуқ.
Биродар, Сиз айтинг
Одамман, дейишим менга
Ҳаётда яшашга берарми ҳуқуқ?

2012

* * *

Тонг ёдга туширар уйғонишимни,
Юмушга чопаман. Улгуриш қайда.
Йўлда учратаман бир танишимни,
Ассалому алайкум. Мавзулар майда.

Чопаман унутиб кунларнинг отин,
Ишдан уйга томон, уйдан бот ишга.
Рўзғор халтасини тутқазар хотин,
Бозор оралайман. Тиш қўйиб тишга.

Рўзғор, бола-чақа, тўлмас камларим
Қайларда қолибди мен билган ўсмир.
Алвидо болалик, маъсум дамларим,
Ярим тун. Ўйларим оғирдан оғир.

Ярим тун. Кетаман ташлаб хонамни,
Соғинчми, ҳасратми тирнайди кўксим.
Соғиниб узоқда қолган онамни,
Ўзим-ла сўзлаша бошлайман ўзим.

Кезаман. Билмайман муддаом нима,
Қайга шошиламан мен ушбу дамда.
Бамисли уммонда адашган кема,
Хаёллар измига бўларман банди.

Қандайин бедодлик, эй гофил дунё,
Не куйга тушмоқда қарангиз, инсон.
Барчамиз пойгага кирибмиз гүё,
Гүё бошланмишдир узоқ марафон.

Оломон югурар маррага илдам,
Кимга шону шуҳрат, кимга эса пул.
Сўқир оломонга мен нима дейман,
Билмам, қайга элтар бизларни бу йул.

Ярим тун. Кетаман кучага чиқиб,
Мубҳам хаёллардан топмасман омон.
Ҳаётга келдим ё бироз кечикиб,
Ё эрта туғилдим, билмасман ҳамон.

2010

* * *

Сўзинг менга дуру маржон эмасму,
Кўзинг нуру юзинг бўстон эмасму,
Даҳри дунда таърифингга тараф йўқ
Ўзинг менга жон ҳам, жонон эмасму?

* * *

Жонимни хаёлинг охири айлади соб,
Кўзим дарёсини тоширди селу селоб.
Э воҳ, не қаро кунда сенга йўлиқдим
Гамин кўнглимни этмиш хору хароб.

КУЗНИНГ ЮПУН КЕЧАЛАРИ

Шопирганча хас-хазонни, қилиб нола,
Урилади шамол ойна тўшларига.
Адирларда сурув қувлаб юрган бола,
Кечалари кириб келар тушларига.

Қуйларини йўқотганди ёппасига,
Чалғиганча уйинларга бола бир кез.
Яхшиямки, иши кетмай чаппасига,
Қутқарганди фалокатдан отаси тез.

Оқиб ўтди қанча сувлар шундан буён,
Ўтди-кетди бу дунёдан Отаси ҳам.
Болалиги ёдга тушса ўша замон,
Нимагадир ўз-ўзидан бўлар мулзам.

Қилолмади эсиз, Ота хизматини,
Олиб кетди узоқларга уни тақдир.
Ечимини топмай чигал қисматини,
Симиради ҳаёт майин талху тахир.

Ўтса ҳамки неча ёзу, неча қишлар,
Чувалашиб, тўзғиб ётар чала ишлар,
Кўпайгандан кўпаяди, ғам, ташвишлар,
Турмуш эса талабларин яна пешлар.

Қани энди осмонларга учиб кетса,
Аммо оила, рўзгор тортар оёғидан.
Ундан дуруст, онасига бўлди ҳасса,
Бобо толнинг қуриган бир таёғи ҳам.

Бўлмасмиди юрганида қўйлар боқиб,
Уйланиб у Қизларгул ё Тошгулларга.
Қаёқлардан келиб қолди у улоқиб,
Етти ухлаб туш кўрмаган Тошкентларга.

Тақдир унга қаноат ва тўзим берса,
Тоғлар оша келмасмиди бу маконга.
Шаҳри Шошнинг шамоллари изн берса,
Қанот боғлаб учмасмиди Қумқўрғонга?

Уни энди тушунмайди майса-ғиёҳ,
Болаликнинг армонлари ёнар кўзда.
Юраклари санчиб-санчиб кетади, оҳ,
Олис қирлар тушганида қайта эсга.

Бир кимсани қидиргандай чекиб нола,
Шошқин шамол увиллайди кечалари.
Шудгорларда қўй излайди ўша бола,
Лойга ботиб этигининг ўкчалари.

2014

ЮРАККА ДЕГАНИМ

Дук-дук уриб кўксима,
Юрак, толма, ўксима,
Бир дам тўхтама, тинма,
Букилсанг-да, лек синма.

Ёмонлардан бўлиб ғаш,
Аламларинг этма фаш,
Кўзларингда кўрса ёш,
Шодланар жоҳил авбош.

Кулиб юрсанг қалбим шод,
Сенга жо бўлар олам.
Танг келганда лек ҳаёт,
Сигмайди қилча алам.

Мезон бўлмоқда алдов,
Мансаб тарози, ўлчов,
Виждон судхўрда гаров,
Кўзлар кўзга бугун ёв.

Учрар даюс, нонкўрлар,
Томирда ғазаб гурлар,
Жоҳил ожизни зўрлар,
Фалакка оҳим ўрлар.

Замонам омон-омон,
Юрсам, қибла тўрт томон,
Ўзинг ажр бер осмон,
Совораман ё сомон?

Бир ёним дашти фано,
Бир ёним дорилбақо,
Юрак ҳар тешишингда,
Айла Ҳаққа тавалло.

Юрак толма, тешиб тур,
Танамга қон элтиб тур,
Кўксимга мушглаб-мушглаб,
Ўзинг тасдиқ этиб тур.

2013

* * *

Кун-кунки ҳажринг домида куярмен,
Ўзимни ночору нотавон туярмен,
Эй жон, қачон дийдорингга тўярмен,
Тўйибки, оҳу воҳ қилишни қўярмен.

УМР ДОВОНЛАРИ

Ўн ёшингда, чўпдан чиллик йўнадирсан,
Учқур ҳаёт Дулдулига минадирсан,
Ўн деганим, авжи ўсиб унар вақтинг,
Шамоллар-ла қувлашмоққа етар шахтинг.

Етганинга авжи кўклам йигирмага,
Дуч келасан азозилнинг ҳамласига.
Йигит, зир-зир беҳудага югурмагин,
Улгурарсан насиб этса ҳаммасига.

Ўттиз асли ўт- оловдай шахту шиддат,
Ҳар бир онинг синовларга тўла фурсат,
Бу ёшингда ўтдай ёниб, туташмагин,
Кўнгилларинг кўчасида адашмагин.

Қир устига чиқиб бўлдинг, қирқ ёшдасан,
Ён- веринга эринмасдан айла назар.
Тўрт мучанг соғ, бамисоли гиротдасан,
Ғарибларнинг аҳволидан бўл бохабар.

Эллингнда ўғил-қизлар кириб ёнга,
Эли-юртга катта тўйлар берар даминг.
Атрофингда қуда-анда, қариндошлар
Бундан буён билиб қўй, Сен эл одами.

Олтмишингда олиб энди оларингни,
Нафсу ҳирсдан сал нари утирар пайт.
Уйлаб-чўйлаб эрта нима бўларингни,
Қаноат-ла неъматига шукрона айт.

Манзилингга етиб келдинг етмишингда,
Бошқаларга от жиловин бўлди, тутқаз,
Қанча талотўшлар ўтди кечмишингда,
Ёнбошлагин оёгингни чузиб, бирпас.

Азал-азал ривоятлар нақл этмиш,
Ҳикматларга тўла экан асли етмиш.
Яхши бўлсанг, кўрсатарлар иззат-ла тўр,
Ёмон эсанг, тополмайсан киришга гўр.

Хафа бўлма саксонингда саксан десам,
Бамисоли ё ер билан яксон десам,
Эсон-омон саксонни ҳам урсанг не бахт,
Неваралар зурётларин кўрсанг не бахт?

Тўқсонинг ҳам етиб келар, киши билмас,
Ҳеч бировнинг сенла асло иши бўлмас.
Емасанг-да, неъматларин энди тўқсан,
Юзга кирсанг бу дунёда балки, йўқсан.

2013

ЭРКА ХАЁЛИМНИНГ МАЛАГИ

Эрка хаёлимнинг малаги, ҳури,
Азизам жонимсан, мисоли танда.
Баҳорим чечаги, юрагим қури,
Вужудни жон асло қиларми канда?

Офтобни севгандек она сайёра,
Оташин тафтингга ташна, интизор.
Соядек эргашиб, боқса, деб зора,
Суйибман, кўнгилда гуркираб баҳор.

Мен сени суйибман, мисоли она,
Авайлаб суйгандек боласин гўдак.
Талпина-талпина утга парвона,
Ўртаниб, тулганиб ёнгандек бешак.

Суйибман мен сени, аммо бу ишқдан,
Ахтарма заррача таъна, иддао.
Сен ахир осмоний, яъни фаришта,
Мен эса кўйингда ғарибу гадо.

Сипқариб телбаю риндоналарча,
Севги шаробидан ақлимдан оза.
Девона десалар халойиқ барча,
Кувончим ичимга сигмабди роса.

Сен борсан, иқболим эрур зиёда,
Олам зимистондир сенсиз қанчалик.
Ёдингдан чиқарма ҳеч ким дунёда,
Ёниб севолмагай сени менчалик.

Дуойинг қилурман, мен ожиз банда,
Фақат сен шодумон, омон бўлсанг, бас.
Азизам жонимсан, мисоли танда,
Сенинг ёдинг ила олурман нафас.

2014

* * *

Менинг тоқатимдай метин тоқат йўқ,
Иштиёқингда ёнишдан фароғат йўқ,
Ўзингни кўрмоқнинг бўлмагач иложи,
Хаёлинг суришдан ўзга бир роҳат йўқ.

2012

ОЙ ЮЗИНГНИ

Ой юзингни кўрсат ой, десам,
Кўкда ойга ишорат қилдинг.
Юлдуз кўзинг соғиндим, десам,
Юлдуздайин чарақлаб кулдинг.

Ҳузуримга чорласам, келсанг,
Таъзим этиб энкайса осмон,
Яноғингга хол бўлиб қўнсам,
Менда асло қолмасди армон.

Дилим этмоқ илинжида сайд,
Қошларингни камон айладинг.
Не бераҳм жаллоддирсан, айт,
Рангу рўйим сомон айладинг?

Куйиб кетдим дун гавгосидан,
Ишқ аҳлига қайда нажот бор?
Сочларингни тун дарёсига,
Чўксам эди шоду бахтиёр!

Боғда гуллар айтади сано,
Куриб сенинг қадду камолинг.
Сўзларингда не ажиб маъно,
Новвотмидур лаблари болинг?

Узоқдаман, соғинч на илож,
Кукайларим тинмай тилади.
Сен ёқларга мисли қалдирғоч,
Учиб-учиб кетгим келади.

2011

* * *

Баланд тоғлар, баланд тоғлар
Отлансам, йўлларим боғлар.
Юракка кўп алам, доғлар,
Солибди оху нигоҳлар.

Санам додимга етмасми,
Кучамдан бир бор утмасми,
Қулига назар этмасми,
Бир мужда хабар этмасми?

Истаб гуллар раъносини,
Кезсам дашту аносини.
Куринг фалак яғмосини,
Қўшмас дил-дилга мосини.

Кўзимда жолалар тинмас,
Таваллога кўнгил кўнмас,
Елдек учқур эсам-да, бас ,
Фано даштида йўл унмас.

Карам этса меҳрибоним,
Тарқаб кўнгилдан гумоним,
Қолмас эди ҳеч армоним,
Жонимни берсам, жононим.

2014

ОЛАМ ЭЛИДА

Олам элида ҳуснунг якто турур,
Не гадолар йўлингда пайдо турур.

Тавба қилсам-да ҳаргиз бу савдодан,
Яна бошимда бу не ғавго турур?

Борсам эшигингга бош уриб неча,
Ағёр иши ғийбату, яғмо турур.

Тилагим, сен ёр ҳажрида жон бермак,
Феълингга бунча кажлик ошно турур.

Мужгон ўқидан жонимга йўқ омон,
Дил кун-кунки, телбаи шайдо турур.

2013

* * *

Васлингга зор этмайин ёр, келсанг-чи,
Куп вақт бўлдим интизор, келсанг-чи,
Дейсан, не қилсам ихтиёрим ўзимда,
Кажлигинг қўйиб, беихтиёр, келсанг-чи.

2007

* * *

Сени севдим индамай,
Қалбда на ўкинч, гинам.
Ўтарман бир сўз демай,
Бошим эгиб, жимгина.

Сенла келсам юзма-юз,
Қоламан тамом тилдан,
Кузларга тушгани кўз,
Осон изҳори дилдан.

Аҳволимни билсангда,
Куларсан ич-ичингдан.
Тавба не бўлди менга,
Кетолмам ҳеч кўчангдан.

Ҳеч парво қилмасанг ҳам,
Кел деб инсофга зора.
Чанг кўчангдан эринмай,
Ўтиб-қайтдим минг бора.

Ўтавериб ҳар куни
Жонингга ҳам тегарман.
Сендайин мағрур қизни,
Бир кун охир эгарман.

2013

ОЛИС ХОТИРА

Ёшлик. Севги. Висол боғида,
Мени кутиб йўлга қарадинг.
Узоқлардан келган чоғимда,
Қўлларимга сочинг ўрадинг.

Кетма дединг, ёлвориб, йиғлаб,
Суз айтмоққа лол эди тилим.
Қирқ кокил-ла қўлларим боғлаб,
Кетма, дея ялиндинг, гулим.

Ишонмасдан айтган сузингга
Иримга қўл силтадим лоқайд,
Йиллар ўтиб боқсам изимга,
Кўп тошбағир эканман, у пайт.

Йиллар. Севги. Ҳижрон шаҳрида,
Бузилибди у таниш йўллар.
Босмади деб гул қиз бағрига
Қовжирабди қўлимда гуллар.

Ўтмиш. Ёшлик. Чилвир кокиллар,
Ажралишдик видолар айта.
Ўтиб неча ой ҳамда йиллар
Тушларимга кирибсан қайта...

2014

* * *

Келганида гулдай яшнаб баҳорларим,
Қизгалдоқдай шўх очилиб кулолмадим.
Айтолсайдим меҳрлару озорларим,
Севгилимга мен суюкли бўлолмадим.

Ойдин тунда ўғирлар ой хаёлимни,
Ўн беш кунда тўлин ойдек тўлолмадим.
Нимасини айтай дўстлар аҳволимни,
Севгилимга мен суюкли бўлолмадим.

Боққа кирсам, кўрдим гуллар сарасини,
Кузни юмиб, уни узиб ололмадим.
Не бўлди, деб тирнаманг дил ярасини,
Севгилимга мен суюкли бўлолмадим.

Ошиқликда Мажнун ила тушганман эш,
Саҳролардан асло бери келолмадим.
Отам сўкар, қиёматми, бир уйланиш,
Севгилимга мен суюкли бўлолмадим.

Гапим ўтмас қайсар, ўжар бу юракка,
Нетай уни кўксимдан шарт юлолмадим.
Раҳмим келар чимилдиқда келинчакка,
Севгилимга мен суюкли бўлолмадим.

Қизлар кўпдир лаби гунча, бели инжа,
Аммо улар сочини ҳеч силолмадим.
Кўнгил, икков йиғлагаймиз тонг отгунча,
Севгилимга мен суюкли бўлолмадим.

АЙ ҚИЗ

Ай, кўзларим рўёси,
Ай ўткинчи дунёси,
Ай орзулар маъвоси,
Ай кўнглимнинг Зухроси.

Тоҳир бўлдим дарёда,
Мажнун бўлдим саҳрода,
Бу ўткинчи дунёда,
Сенга кўнгил бердим мен.

Бўлмаса-да, тилло тахт,
Шоҳдан зиёд менда шахт,
Суймоқ шундай улуғ бахт,
Ўзни Аршда кўрдим мен.

Азизим, ай азизим,
Худойим берсин тўзим,
Хато қилган бу кўзим,
Хато қилган мен ўзим.

Сени севдим, кўйдим мен,
Бағрим чок-чок ўйдим мен,
Дунёсидан тўйдим мен,
Сени суйдим, суйдим мен.

2012

ГУЛИМ

Эсимда сабуҳий найсонлар фасли,
Қирларни безаган гулларнинг васли,
Одамми, парими нимасан, асли,
Кулгига тулдирдинг сайҳоним, гулим.

Нозингдан дунёлар оролансалар,
Кузингдан тунларим қаролансалар,
Ҳажрингдан дилларим яролансалар,
Куксимни чок этди афғоним, гулим.

На айта оларман изҳори дилим,
На буриб кетарман ортимга йўлим,
Севги бу ҳаётдир, сеvgи бу ўлим,
Ҳисларим тўлғаган тугёним, гулим.

Хаёлинг хаёлга ҳамроз айладим,
Юрагим қатига исминг жойладим,
Сулувлар ичинда Сени сайладим,
Дилимда дилбари жононим, гулим.

2010

* * *

Беғубор у ёшлик чоғларда,
Сени кўрдим Сурхон ёқларда,
Оташ чақнаб пок нигоҳларда,
Гуллар тердик чаман боғларда.

Муҳаббатнинг шавқи ила маст,
Капалакдай учиб басма-бас,
Дилни дилга этганча пайваст,
Юрганларим ёдимдан чиқмас.

Оҳу каби ҳуркак ва содда
Ерга боққан нигоҳинг ёдда,
Сизни дейман фақат ҳаётда,
Деган ваъда, сўзларинг ёдда.

Гул яшнади гулгун яноқлар,
Ёлқин сочди оташ нигоҳлар,
Қалбда ёниб умид чироқлар,
Билмас эдик ҳажру фироқлар.

Шўх дарёдай югурик, асов,
Тоғу даштда елардик икков,
Ҳижрон қўли бераҳм ва дов,
Иккимизни айирди дарров.

МЕН КЕТГАНДА

Гуллар очилган боғда,
Учрашгандик иккимиз.
Ҳар қараш, ҳар нигоҳда,
Дилга чўғ тушиб илкис.

Гурлик бўлурми шунча,
Севгини биз билмабмиз.
Дўст бўламиз ўлгунча,
Дея аҳдлар қилмабмиз.

Кўнглинг дедим, мисли гул,
Тополмадим кўнглингни.
Қайда юрсанг омон бўл,
Тўсмам сира йўлингни.

Бамисоли тошқин сел,
Қирғоқлардан ошибмиз.
Чинмиди бу ё ҳазил,
Афсус, бизлар шошибмиз.

Мен кетаман, яхши қол,
Йўлим бошлар йироққа.
Бизни эслаб, эҳтимол,
Гуллар йиғлагай боғда...

2013

* * *

Муҳаббат шавқи-ла бу ҳаёт на хуш,
Тушдинг фалаклардан унгимми ё туш,
Тахайюл майидан қониб этай нўш,
Оним йўқ, бундай хуш онимдан бўлак.

Соллона-соллона малак келарми,
Ё яғмо лашкари лак-лак келарми,
Олисан бир янги дарак келарми,
Ҳаётим сарвари хонимдан ваҳ-ваҳ.

Мен дедим, сен учун қурбон бўларам,
Холингга умримни товон тўларам,
Рад этсанг, бағримни чок-чок тиларам,
Йиқилар, тўкилар, сўкилар юрак.

Қулоқ тут бу сўнгсиз, ажиб эртакка,
Йўймагин ишқимни гулим, эрмакка,
Нимам бор, ҳадя деб сенга бермакка,
Танимда асраган жонимдан бўлак.

2010

ДИЛМУРОДНИНГ ШЕЪРИ

Таърифингиз Ширинми ё Лайлими, ёр,
Сизга тезроқ совчи қуйсам майлими, ёр,
Куз учуда майин боқиб, кейин эса,
Танимаслик бевафолар хайлими, ёр?

Қаро-қаро кўзингизга боққим келур,
Сочларингиз дарёсида оққим келур,
Қўлингизга тилла узук таққим келур,
Жоним, қаро кўзингизга боққим келур.

Ёвқур эдим, йитди ботир, ёвқурлигим,
Мағрур эдим, кетди ўжар, мағрурлигим,
Жоним, Сизни сева-сева қонлар ютиб,
Девонаман, қайтиб беринг масрурлигим.

Хатлар келмас энди сизнинг отингиздан,
Эсламайсиз, чиқдимми ё ёдингиздан,
Бир боқишда ўғирлаб-ку хаёлимни,
Тонармисиз тагин сеҳру-жодунгиздан.

Найза отган нигоҳларга бўлиб асир,
Ўз-ўзимга туюламан хору ҳақир.
Сарвигуллар сарварисиз, жоним, ахир,
Аччиқлайсиз, аччиғингиз талху тахир.

Осмон ила бўйлашар ноз- фироғингиз,
Атиргулдай хушбўй исли дудоғингиз,
Оҳудайин ҳуркак чашми қароғингиз,
Тубларинда пинҳон гумон, суроғингиз.

Бўйимга мос кўрдим қадду бўйингизни,
Кўнгилга мос кўрдим, санам, кўнглингизни,
Ўйимга мос кўрдим сурган ўйингизни,
Хўп десангиз, беринг менга қўлингизни.

* * *

Кўнгил, сен ўзингни овутиб яша,
Тақдири азалнинг ишига кўнгил.
Умримнинг паст-баланд йўллари оша,
Сендайин бир маҳрам топмадим, кўнгил.

* * *

Улусга афсона этди мени муҳаббат,
Ой юзли нигорим зулминг бўлди беадад.
Адам даштида оҳ урсам Мажнунсифат,
Нафасимдан тош ёнар не қалам, не хат.

2013

...га

Йигирма йил – қисқами, узоқ,
Биз соғиндик бир-биримизни.
Кўп ёш эдик ва уйинқароқ,
Ўйламабмиз тақдиримизни.

Сен сарвқад, сочлари анбар,
Париларга насабинг туташ..
Мен Алпларга гўёки навқар,
Чақнар эди кўзимда оташ.

Беҳиштларда яшардик гўё,
Жаннатлардан терардик гуллар.
Бахтга тўлиқ эди бу дунё,
Бахтли эди биз юрган йўллар.

Йигирма йил – қисқами, узоқ,
Соғинчларни айладинг тавоф.
Ҳар нигоҳинг минг битта сўроқ,
Менда қани бўлсайди жавоб.

Энди фурсат бўйсунмас бизга,
Тилларим ҳеч сўзга келмайди.
Кўзларинг дер, “гар тақдир ўзга,
Аммо севги асло ўлмайди”.

Тилсим айтган кокилларингни,
Тортқиларди беадаб шамол.
Бахтли қилдим мен йилларингни
Сен дунёда энг гўзал аёл.

2012

ДИЛДА ОЗОРЛАР

Имдод кутиб рӯёдан,
Дилга етди кўп озор.
Бахтга тула дунёда,
Мен бўлдим-ку бахтга зор.

Дилгинам-ей, дилгинам,
Бевафодир суйганим.
На аламу на гинам,
Англамайди куйганим.

Ишқдан ўзин унутган,
Кўнгилни мен хушлайми?
Тақдири азал битган,
Пешонамга муштлайми?

Ишқим баҳорлар айтсин,
Дилда озорлар айтсин,
Шаҳид кетса ёш бошим,
Ғарибмозорлар айтсин.

Ошиқ бу кўнгил экан,
Ўтдай ёниб туташдим.
Йўлларим гулми, тикан,
Ишқ даштида адашдим.

2013

ПОТИНИ

Потини-ё, потини
Томга қўйдим шотини.
Илонларга едирдим,
Тилимнинг новвотини.

Потини-ё, потини,
Пари дермиш зотини.
Тонг саҳарлар йиғласам,
Тилдан қўймай отини.

Потини-ё, потини,
Тингла, кўнглим додини.
Юлиб отдим юракни,
Унутаи деб, ёдини.

Потини-ё, потини,
Томга қўйдим шотини,
Бизни кўзга илмаган,
Қурбақанинг хотини.

2013

* * *

Ўтиб борар умри баҳор,
Кўнгилларда севги шарор,
Мажнун каби дил беқарор,
Билмас буни гули нигор.

Дилда сочининг савдоси,
Камон қошлари яғмоси,
Айтаверсам гапим рости,
Йўқдир ёримнинг таққоси.

Ул ой ғарибни йўқламас,
Изҳори дилим хоҳламас,
Қарорим йўқдир бир нафас,
Кўзимда ёшим тўхтамас.

Ўтиб неча ёзу қиш ҳам,
Бошдан учиб ақлу ҳуш ҳам,
Рангим заъфарон бўлмишам,
Ҳажринда бемор ўлмишам.

Бир боқмайин ҳатто қиё,
Дилимни қилди зимзиё.
Бечора Дил куя-куя,
Хору абгор бўлдику-я.

Манзиллардан ошдим қанча,
Дарё кўнгил тошди бунча.
Жуфт топмадим, ёрим онча,
Қомати сарв, лаби гунча.

2011

СУМАНБАРИМ

Ўзни унут сен ай, дил,
Йиғлай туриб кула бил,
Қоф тоғини зил-замбил,
Ушатишга жазм қил.

Садқа этай жонимни,
Ёқай устухонимни
Қониб ичиб қонимни,
Гуллар яшнасин гул-гул.

Қатра-қатрам минг ҳасрат,
Зарра-заррам минг ҳайрат,
Ай дил, кўрсатиб ғайрат,
Вужудим айла чил-чил.

Мени этган мубтало,
Бу ишқ ўзи не бало,
Қилсамда минг тавалло,
Парво этмас ғайри эл.

Суманбарим, қаламқош,
Чашми чароғинг нурпош,
Остонанга қўйсам бош,
Мурод ўлурми ҳосил?

2010

ШОИР БЎЛСАНГ

Камол этсанг не касбни укам, муқаррар,
Фаррошми у, ўқитувчи ёки чилангар.

Меҳнат билан топажаксан ҳузур-ҳаловат,
Меҳнат билан кўкаргайдир экин, зироат.

Осон тутма шифокору, пиллакорга ҳам,
Дала кезган ғаллакору пахтакорга ҳам.

Тонг саҳарлаб қуй-қўзисин ортидан қолмай,
Чупон-чулиқ тоғу- тошни кезади толмай.

Касбу ҳунар маҳоратда топгайдир камол,
Уни бажар сидқидилдан, виждонан, ҳалол.

Шоирликни ҳавас қипсан, омадинг кулсин,
Сўз пирлари доим сенга жиловдор бўлсин.

Ҳар доим ҳам яйраб-яшнаб ёзмайди шоир,
Ё ёлғондан кўнглин хушлаб ёзмайди шоир.

Эл-улусдан канда қилмай у саломини,
Ватанига айтар мудом хуш каломини.

Билсанг гоҳи сўз дўст эрур, гоҳида ёғий,
Малҳам бўлар гоҳ жонингга, гоҳида оғу.

Англа укам, шоирликни шул қоидасин,
Энг муҳими, эл-улусга тегсин фойдаси.

2011

БОЛАЖОН

набирам Муҳаммадалихонга

Менинг навқирон наслим —
келар Сенга ҳавасим,
Садқа бўлсин ўзингга
минг жонимнинг ҳаммаси.

Сен келажак қадами, келажакнинг одами,
Қиқир-қиқир куласан,
кулишинг жон малҳами.

Мурғак қалбинг баҳорий
найсон каби мусаффо,
Юзларингдан келади жаннат ҳиди, ажабо.

Ўргилсин-да отаси, айлансин-да ойиси,
Ҳар куни бир қилигинг қувончимиз боиси.

Эркалатсак доимо, куларсан отиб хандон,
Қўнғироқ товушингдан уйларимиз чароғон.

Оламнинг бор қувончи нигоҳингда мужассам,
Той-той туриб эртага, ташлайсан янги қадам.

ТИЛАК

Нолон турсам йўл устида,
Қўлим тутди келиб бир зот.
Куйсам ёмонлар дастидан,
Қўйгин, деди, ғам сенга ёт.

Ташвиш, ғурбат билан гоҳи,
Тинкам қуриб, тушдим чўкка.
Меҳр билан дўст нигоҳи,
Қўлим тутиб, қилди тикка.

Гоҳи дўлдай ёғиб тухмат,
Нокасга кенг бўлди майдон.
Яхши одам уша фурсат,
Шарт суғурди мени лойдан.

Этак силкиб дунёсидан,
Узлат сари юзим бурдим.
Шукур, у зот вафосидан,
Қадни тиклаб, тикка турдим.

Ҳаёт ўзи зўр муаллим,
Эринмасдан берар сабоқ.
Хато топса не амалим,
Турткилаб ҳам қўяди гоҳ.

Аммо ютиб имонимни,
Бошим эгиб турмадим тек.
Ичса-да ҳаёт қонимни,
Чекинмадим ортимга лек.

Ёғилганда бошга тухмат,
Қочганида дўсту ёрим,
Ҳотам каби қилиб ҳиммат,
Жонга бўлди у мадорим.

Дейдиларки, қайтар дунё:
Ёмонлигу яшилик ҳам.
Балолардан сени Худо,
Асраб юрсин, яхши одам.

* * *

Ёрингни қадрини этдингми поймол,
Оқибат ўзингга тиларсан завол.
Дилим ойнасига тош отдинг бунча,
Наҳотки билмассан, муҳаббат увол.

* * *

Дашти биёбонда Мажнунсифат кезсам,
Бало тоғида дардларим бир-бир тизсам,
Нечун раво кўрдинг, Эгам,бу қисматни,
Нақ қиёмат қўпур, кўнгил уйин бузсам.

ШУКРОНА

Қўйилган ҳар қадамдан хулоса қилмай тугал.
Деймиз ўз-ўзимизча ҳаёт мураккаб, чигал.

Адашмоқ бандага хос, кўзлаймиз кўпроқ нафни.
Дўппи тор келганда боз чаппа бурамиз гапни.

Тўрт мучамиз соппа-соғ, аммо асаблар таранг.
Кеча ухлаётган боғ, қулф урар бугун, қаранг.

Найсонлар эзгин-эзгин, атрофда ҳамал, сезгин,
Сочларимга сочар қор, умр-чи, бермай изн.

Кунларим бунча шошди, хаёлга бўларман ғарқ,
Уйлар чувалиб тошди, хонамни этарман тарк.

Автолар физ-ғизидан шошқин кўча, чироқлар.
Ёғдулар оғушида порлар яқин-йироқлар.

Қадрдон ҳамшаҳарлар, чеҳрангизга боқаман,
Сафингизга қўшилиб, сокин-вазмин оқаман.

Қувондим бу йўлларда кўриб бахтга эшларни,
Кўнгиллари беғубор, қадрдон дўст, хешларни.

Шошмоқда уйга, алҳол, кўчада майиб букур.
Унинг бахти, эҳтимол, қаноат ҳамда шукур.

Қўл ушлашиб бормоқда икки севишган юрак,
Аҳду паймон чин эрса, тўйлар бўлади, демак.

Бағрида ўғилчаси, шошар буғдойранг жувон,
Ундан бахтли кимса йўқ, бу лаҳзада бегумон.

Яримта нон билан ҳам топгайдир жон ҳаловат,
Топилади дўппи ҳам бошинг бўлса саломат.

Шодлигу алам эгиз, эгиз кундуз ила тун,
Ҳаётни сев борича, аттанг, дийдиё нечун?

Тонгда қошига борсам, жилмаяди ғунчалар.
Қувончдан яшнаб дейман, олам гўзал бунчалар.

Дастурхонда оқ нонлар, кўрмасам бўларман кўр,
Отмоқда опшоқ тонглар, Яратганга минг шукур.

* * *

Ишқ, нондай азиз, тансиқ неъмат ўзинг,
Бани одам зотига бебаҳо ҳиммат ўзинг,
Олам мусаввирин мўъжизаси кўп,
Қодир Эгамдан буюк ҳикмат ўзинг.

2012

КУКЛАМОЙИМ КЕЛАДИЛАР

Тонгда эсар ҳур-хур шамол,
Келаётир фасли ҳамал.
Қизгалдоқлар ўрар рўмол,
Қуёш кукда ёнар ял-ял.

Ёғар найсон—оби раҳмат,
Зангор олам гўё жаннат,
Чечакларда ажиб ғайрат,
Нигоҳларда кулар ҳайрат.

Гулдираклар қалдир-қулдир,
Чақмоқ чақар ялтир-юлтир,
Сумалаклар биқир-биқир,
Куртак кулар қиқир-қиқир.

Осмон тўла варраклари,
Ҳар ён баҳор дараклари,
Қумриларнинг чақ-чақлари,
Титрар ўсмир юраклари.

Ўз аҳдида собит, қойим,
Ошиб тошар ирмоқ, сойим.
Илҳақ қилиб бизни доим,
Келадилар кукламоийм.

Ҳамал, ҳамал ҳамма ёқда,
Дашту дала, қиру тоғда,
Сен уйғониб саҳар чоғда,
Боғларни кез, қолма доғда.

Эслаб қайта баҳор исли
Болаликни кўнгил, қувон.
Адирларда шамол мисли,
Оёқяланг югур, бу он.

2013

* * *

Моҳтоб ўлтирар вайрона ичинда,
Заххок ўлтирар кошона ичинда,
Умрингни соб этмасдан хою ҳавас,
Ҳолингга назар сол, замона ичинда.

* * *

Ҳаёт уммонида ҳаммамиз кема,
Бири кам дунёдир, кўнглим ғам ема,
Оламда кўз очган ҳар жон омонат,
Дам бу дамдир, ўзга дамни дам дема.

* * *

Дардим кўп, магарки сўрмасман даво,
Чурқ этиб оғиз ҳам очмасман ҳатто,
Фироқинг ўтида қанча ёнсам, ой юз
Жонимга шунчалик ҳузур бу жафо.

2011

ҲАЁТМАНКИ

Дунёсига буйладим бир дам,
Кўзларимда соғинчлар билан.
Ўз-ўзимча куйладим мен ҳам,
Илинжлару овунчлар билан.

Ҳаёт қандай мўъжизадир, боқ,
Тилларида шақару новвот.
Чумолича кўрмаскан, бироқ,
Бир-бирини аҳли одамзод.

Ғур, ҳавойи феълим гоҳида
Бошимга кўп келтирди бало.
Синов қилар қисмат, чоғимда,
Кўзга илмай ўтинч, таваллом.

Жумбоқларинг олам, қийлу қол,
Хато қилиб гоҳи сурундим.
Кимларгадир мен ҳам эҳтимол,
Нажоткор сиймодек кўрундим.

Дўстлар, бахтдан яйрангиз шодмон,
Ғанимларим, майли, қайранг тиш.
Ҳаётманки, ғамларга ётман,
Дунёсидан қилмасман ташвиш.

Айбу қусур бандасига хос,
Тақдиримдан ёзғирмоқ нечун?
Бу оламга буйладим, холос,
Ўзлимнинг тасдиғи учун.

2001

* * *

Мужгонларинг отган пайкон,
Куксим тешди, билармусан?
Тиқилди-ку бугзимга жон,
Ҳолимга сен кулармусан?

Хайли парилар не ҳавас,
Шунча азобинг, етар, бас,
Кўкайдаги ҳеч тuzалмас,
Жароҳатим силармусан?

Ҳаддан ошди зулминг оё,
Қоши қалам зулфи сиёҳ,
Ғуломингга боқиб қиё,
Қош остидан кулармисан?

Сенсиз ғариб гулбоғларим,
Қайда ул завқли чоғларим,
Раҳм айлаб чеккан оҳларим,
Менга қарам қилармусан?

Сандувочдай тилим сайрон,
Юрак-бағрим таҳ-батаҳ қон,
Бағрим бўлса чексиз осмон,
Унда ойдаи тўлармисан?

Саҳарларда ёдинг этсам,
Йўлларингга жоним тиксам,
Изларингни кўзга суртсам,
Менга ҳамдам бўлармисан?

ВИДО АЙТДИНГ

Видо айтдинг, ишқингдан тона,
Хайр дединг, майли, яхши қол.
Ҳаловатдан бўлиб бегона,
Изларингдан тўлғанди шамол.

Ишқ бекор, муҳаббат бекор,
Ўз-ўзимни овутидим бир дам.
Энди куртак очганди баҳор,
Хазон бўлди бемаҳал у ҳам.

Севмоқ осон, унутмоқ осон,
Етар юрак, бўзлашинг нечун?
Лахта-лахта тупурмагин қон,
Аҳди ёлғон, бевафо учун.

Хато қилди нотанти тақдир,
Алвидо, мен кўндим барига.
Қисмат майи бунчалар тахир,
Севгим кўмдим юрак қаърига.

Ишқ бекор, муҳаббат бекор,
Мен ўзимни алдадим, бу туш.
Осмонларга термулсам такрор,
Учиб юрар Ҳижрон отлиғ қуш.

1989

ЮРАГИМ

Қолдириб кетайлик бу гамни,
Юрагим, шамолга дунайлик.
Сайр этиб оқ-қора оламни,
Осмонлар бағрига жунайлик.

Бор экан ёвузлар – бағритош,
Оромга бегона онимиз.
Юрагим, ўртанма, тўкма ёш,
Ҳақ учун тикканмиз жонимиз.

Юрагим, дунганча япроққа,
Шодумон қўшиқлар айтамиз.
Жисмимиз қовушар тупроққа,
Заминга қайтамиз, қайтамиз.

Хаёлот кукида бир нафас,
Юрагим, парвоз эт осмонга.
Қуй етар, изтироб чекма, бас,
Ёзғирма гунгу кар замонга.

Не бўпти, булутлар жонсарак,
Уринса офтобни тўсмоққа.
Ғамларни унутгин, эй юрак,
Айлангин кўк узра чақмоққа.

Олдинда беҳисоб исқанжа,
Саноқсиз синовлар олдинда.
Юрагим, зардоблар қуссанг-да,
Чекинма ҳеч қачон ортингга.

Қайтамиз заминга, сен ишон,
Айланиб гирдибод буронга.
Куйлаймиз юрагим, беармон,
Оламини уйғотиб исёнга.

1991

* * *

Наҳот, бу жаҳон ўткинчи карвон бўлса,
Вафо аҳлининг аҳди ёлғон бўлса,
Ўзини зукко санаган кимсалар нодону,
Ҳаққа талпинган донолари нолон бўлса.

* * *

Шон на керак, дилда ишқ армон бўлса,
Танинг ўртаниб, бемору бедармон бўлса,
Бунча авайладинг, умри ҳаётинг, ай дил,
Жон на керак, омонат, меҳмон бўлса.

2011

* * *

Боғимда юз очган гунча,
Узинг сўлмас баҳоримсан,
Жаҳон айвониға келиб,
Орттирган йўғу боримсан.

Олдинда не селу дўллар,
Сени узмоққа шай қўллар,
Посбонинг ўзим бўлсам,
Гўзал нозли нигоримсан.

Кузинг дарёсида оқсам,
Юзингга термилиб боқсам,
Авайлаб кўксимға тақсам,
Менинг сирли туморимсан.

Неча баҳор утиб кетгай,
Неча кузлар келиб етгай,
Қувончинг оламини тутгай,
Ўзинг лайлу наҳоримсан.

Танимда токи бор жоним,
Сеникидир ҳар бир оним,
Ўзинг дилру меҳрибоним,
Диловар, ғамгусоримсан.

УЙҒОН ТУРКИСТОН

(Чулпон нидоси)

Ватанда ватансиз қолган дарбадар,
Бу кеч оёқяланг сафарга шайлан.
Ёҳу деб оламини кезган қаландар,
Дунёни бир тепу, Машрабга айлан.
Не тавр махлуқдир букун одамзод,
Имону виждонлар сотилар пулга.
Хурлик, ҳақоратлар чеки йўқ, ҳайҳот,
Ким шубҳа уйғотса олинар қўлга.
Ногаҳон бузилиб замон авзойи,
Оломон қилади сени сазойи,
Деяр, бу кимсанинг турмада жойи,
Тиқингиз, чиқмасин ҳаттоки войи.
Гирду атрофингда хоин, жосуслар,
Юрар от устида қилвири, дузлар,
Пўписа қилади элга махсуслар,
Турмага сигмайди сонсиз маҳбуслар.
Халқ душмани уша, элим деса ким,
Кимки тилим деса, дорга тортилар.
Бутун элу улус тилин ютган, жим,
Бошин кўтарганлар сўзсиз отилар.
Имон ёнапти, дилларда нафрат,
Қасос оловига дош беролмас тан.
Ич-ичимни эзар бир савол фақат,
Қаёқларда қолдинг, онажон Ватан?

Улусда урчиган қўрқоқ, нобакор,
Аёвсиз тирнайди кўнглим ярасин.
Наҳотки инсоний қадрият бекор,
Нечун эшитилмас Темур наъраси?
Ватансиз толе йўқ, дард йўқ ҳаттоки,
Қувғинди арвоҳдек умр афтода.
Лек инсон ҳаётга келаркан токи,
Хур яшаш ҳуқуқи бордир дунёда.
Ў, она тупроғим, қат-қатларингдан,
Фарёд-садоларни беун тингларман.
Алп Эртўнганинг даъватларидан,
Ватан нелигини қачон англарман?
Етар яшаганинг ҳақир ва бешаън,
Ҳайқир, товушингдан ёришсин осмон.
Қулочингни кериб, мажақлаб кишан,
Ғафлат уйқусидан уйғон, Туркистон.

1989

* * *

Жаҳон уйида фидо жон топмадим,
Жонимни бердимү жонон топмадим.
Зулм бобида сендек шоҳи номудор,
Ўзимдек ғариб-нотавон топмадим.

* * *

Жафокорим, сени жондан суйибман,
Ағёр, зулмингдан чунон тўйибман,
Мендан не ўтганин билмади ҳеч ким.
Ўзим тутаб, ўзим ёниб қуйибман.

2010

ВАТАНГА ТОШ ОТГАНЛАР

Тошкент, 16 февраль

Кузин боғлаб жаҳолат,
Кутардилар элга мушт.
Бу қандайин разолат,
Ё Раб, унгни ёки туш.

Ўғил бўлиб шу Ватанда,
Кутармади бир ниҳол.
Бошлагандир балки жангга,
Раҳнамози шум, баттол.

Балоҳурлар гоҳи қизил,
Гоҳи оқ тус олгайдир.
Нафси учун онасин ҳам
Бозорларга солгайдир.

Зорим мени, зорларим-эй,
Осмонларга етмасми?
Нобуд бўлган норларим-эй,
Уволлари тутмасми?

Хиёнатдир билган кори,
Ўзгартирмас касбини.
Сотиб-да, у гурур, орни,
Ўйлайди ўз нафсини.

Ўз элига отганлар тош,
Юзи қора бўлгайлар.
То улгунча кутармай бош,
Ўлмай туриб ўлгайлар.

1999

* * *

Дурахшон юлдузлар кукка сочилмиш,
Энг ёруғ юлдузни солдим қўйнимга.
Иқболим чечаги бу тун очилмиш,
Энг нозик билаклар қучди бўйнимдан.

Қаҳқаҳа отишиб кукдан галма-гал
Хушимни олмангиз сулув юлдузлар.
Энг бахтли одамга бермангиз халал,
Солманг юрагимга сернағма ҳислар.

Бир журъат уйғонди тўнган қонимда,
Нотавон шарпадек сездим ўлимни.
Дурахшон юлдузлар қаҳқашонида
Энг узун сочларга очдим дилимни.

Қалбимнинг мулкини этдингиз асир,
Ким айтар Сизларни, бепарво, тилсиз.
Кўнглим осмонида инжа беназир,
Хурлар узолмаган энг хушрўй гулсиз.

Энди мен коинот фуқаросиман,
Сомон йўлларидек ёруғдир уйим.
Мен бу кун оламда энг улкан одам,
Энг ёруғ юлдузга етади бўйим.

1990

БОЛАЛИК ДАРСЛАРИ

Болалик дарслари чўзилар узоқ,
Уфққа термилиб ўйлар сурамин.
Далаларни босган ажирик, шувоқ,
Ёввойи ўтларга кетмон урамиз.

Қуёш бошимизда туриб қолар тек,
Учқулоқ ғўзалар келмас тўпикқа.
Муаллим шогирдга берганча танбех,
Почасин шимариб тушар чопикқа.

Уфққа чўзилган соқов далалар,
Эриниб кўзини очар эрталаб.
Китобларни эмас, ўсмир болалар,
Эгатларни ўқир кун-тун ҳижжалаб.

Саратон тафтидан мириқиб тўйган,
Ғўзалар шамолда тушадилар рақс.
Сунбула сувига юзларин чайган,
Қўсақлар етилиб ёриллар қарс-қарс.

Пахтазор ташвиши чулғаган элни,
Эгатлар илмидан оламиз таълим.
Уқалаб эгилиб майишган белни.
Келажак олдинда, дейди муаллим.

Кузак охирлайди, режа тўлади,
Булутга етади оппоқ хирмонлар.
То ҳануз ортимдан таъқиб қилади,
Олис йиллардаги ўкинч, армонлар.

Ниҳоят декабрь... етамиз қишга,
Совуқлар забтига олмоқда, қаранг.
Кўклам шоширади илдиз теришга,
Китоблар токчада босиб ётар чанг..

1989

* * *

Ҳижрон азоби тошиб ичу тошдин,
Ёқсам устухоним соғинчи нурпошдин,
Сенга бу азоблар ҳали кам дейсан,
Бошласам барини наҳот, қайта бошдин.

* * *

Сочинг чилвиридан ясаб сен қафас,
Дилимни асиринг айладинг бу нафас,
Висолинг майига муккамдан кетиб,
Эл ичра атандим ринду, бодапараст.

* * *

Февралнинг оддий бир куни,
Ўз иши-ла ҳамма эди банд.
Ким бепарво кетарди йўлда,
Орзу-уйлар суриб сарбаланд.

Бомбаларнинг ажал шовури,
Солмоқ бўлди дилга ваҳима..
Февралнинг оддий бир куни,
Юрт чайқалди мисоли кема.

Замин инграб тортганда наъра,
Ҳаёт ширин кўринди кўзга.
Шуурида умрим бир сира,
Ярқ этдию учди юлдуздай.

Бу бедодлик, хунрезлик нечун,
Онага ҳам отарми тошлар?
Айт, кимларга малайсан малъун,
Ким сени ўз измига бошлар?

Кимсан ўзи зот, тайини йўқ,
Нишон олган Ватан кўксини?
Визиллаган бир қўрғошин ўқ,
Уйиб кетди менинг кўзимни.

Хоинларнинг олчоқ ҳамласи,
Элу улус оромин бузди.
Қутуришган шоқол галаси,
Бир ондаёқ ҳар ёққа тўзди.

Дод-фарёдга тўлди ўнг-сўлим,
Офат қўпди осойиш кунда.
Ёвузликдан бу қон,бу ўлим,
Огоҳ этди ҳаммани шунда.

Тошкент. 1999 йил, февраль

* * *

Олтину жавоҳир гарди маъдан ичра,
Не гард кўмиру зангу заҳмат ичра,
Ҳар ким ҳам танийвермас тоза тошни,
Инсонки қадр топмиш илму меҳнат ичра.

2011.

ХУДОДАН ҚОЛМА

Боқсанг унгу сўлингга,
Қийнади дарду фиरोқ.
Қайтай десанг йўлингга,
Манзилинг бўлди йироқ.

Одам шаклида юрган,
Бўриларга келиб дуч.
Оламни оппоқ кўрган
Хаёлларинг бўлди пуч.

Ёмонлик касби-кори,
Юрар сўқир бандалар.
Кундуз демай, тун демай,
Ҳаётингни рандалар.

Бакор келиб корингга,
Қучоқ очувчи борми?
Қўплар дўстдир, борингда,
Йўғингда бермас қорни.

Туз қадрини билмаслар,
Тупуларлар тузингга.
Юз амрини қилмаслар,
Оёқ босар юзингга.

Номардга тушиб ишинг,
Чекарсан мингта пушмон.
Уриб синдириб тишинг,
Оғзинг қон этар душман.

Етар, кўнглинг тиглама,
Оқ- қорани таниб қуй.
Тиш синса, қон туфлама,
Сен табассум қилиб қуй.

Тун охирлаб, субҳидам,
Еллар елиши бордир.
Зулматни енгиб у дам,
Қуёш кулиши бордир.

Чекиб номард жафосин,
Айюҳаннос солмагин.
Ёмон олар жазосин,
Сен Худодан қолмагин.

2013

* * *

Ай гул, бошимни аёгингга қўйсам,
Ҳажри фироқингда аламлар туйсам,
Токи гирифтору зоринг бўлиб,
Парвонасифат куя-куя, суйсам.

2012

* * *

Ошиқ кўнглим бечорадур,
ғам даштида оворадур,
Бағрим гўё минг порадур,
бағримни тилган хорадур.

Сув кетса сойда тошга не,
кўз кетса, юзда қошга не,
Сен афзал кўрдинг бошқани,
энди бу ғариб бошга не?

Ҳақдан сўраб дилга тўзим,
Ўзимга ҳеч утмас сўзим,
Ўзимни тополмай ўзим
Кўзимда қотгандир бўзим.

Сайр этиб жумла жаҳонни,
замину саккиз осмонни,
Топмадим сендай жононни,
бой бердим бори имконни.

Биз телбаю девоналар,
Ақлу ҳушдан бегоналар.
Ўтга ошиқ парвоналар,
Ўтдай тутошиб ёналар.

Жудоман бору йуқлардан,
Ошноларим махлуқлардан,
Қочиб нокас, бадхулқлардан,
Борарман босиб чуғлардан.

Дарду фироқинг ошадур,
Сабр косам тўлиб тошадур,
Қисматим қайга шошадур,
Бу қандайин томошадур?

* * *

Фироқингда дили шикаста бўлсам,
Гамингда кўп бемору хаста бўлсам,
Токай кўнгилни сендан узолмай,
Ой юз, хаёлинг-ла вобаста бўлсам.

* * *

Инсон, бу ҳаётинг битта нафасдир,
Шердай ўкиригинг ўткинчи сасдир,
Азроил жонингни айлаганда қабз,
Рухинг фалакдаю, жисминг хору хасдир.

2012

ГУЛПАРИ

Юзларингни кўройин,
Сочингга гул ўройин,
Рухсат берсанг, Гулпари,
Эшигингда юройин.

Гулга битиб номингни,
Гулдайин каломингни,
Жунатибсан Гулпари
Гуллардан саломингни.

Гулни севган ўзим гўл,
Узай десам етмас қўл,
Эшит сўзим, Гулпари,
Севган ёрим ўзинг бўл.

Гулим сени кўрмоққа,
Кўз ташладим чорбоққа,
Не даво бор, Гулпари,
Кўксимдаги ямоққа?

Тиллашгани гул билан
Тилимда гулим қани?
Кетай десам йўл билан,
Юрмоққа йўлим қани?

Боғингдан гул теройин,
Кўзларингни кўройин,
Армоним шул, Гулпари,
Гул лабингдан сўройин.

2014

* * *

Ўзбекистон — она юрт,
Ўзинг билан бағрим бут,
Менинг гурурим тоғдир,
Сендан олиб меҳр-қут.

Ишляяпмиз пок, ҳалол,
Усар ёшлар безавол,
Тинчлигимиз барқарор,
Шудир бизга бахт-иқбол.

Эл-улусда битта аҳд,
Обод бўлсин мамлакат,
Аҳил бўлса аҳли юрт,
Қайга кетар толе, бахт?

Ўзингсан бунёдкорим,
Ўзингсан куч-мадорим,
Аҳли жаҳон ичинда
Ўзингсан бетакрорим.

Муруватда бекам эл,
Саховатда Хотам эл,
Хизрдай дуоғуйим,
Қиблагоҳим Отам эл.

Узилганни уловчим,
Орқа тоғим, қўлловчим,
Омон бўлсин бошингиз,
Онажоним тиловчим.

Бўлинг дўст-ёрлар омон,
Мусаффордир кўк-осмон,
Ўғлим деса бу Ватан,
Ранг рўйим бўлмас сомон.

Майдонга солдик отлар,
Қўллади улуғ зотлар,
Омад бахтимиз кўриб,
Таъзимда ҳатто ётлар.

Яшнаб очилиб гул-гул,
Ўзбекистон яйра, кул,
Ажаб доруломон бул,
Элим доим омон бўл.

2014



УМРИМ КЕТА КЕТГУНИЧА

Умрим кета-кетгунича бир йўл кўрдим,
Йўлларимда гоҳ осон, гоҳ мушкул кўрдим,
Шошу Сурхон аро бўзчи моқсидай,
Зир қатнаган бир ошуфта кўнгил кўрдим.

Камалакдай осмонларга туташибман,
Бу йўлларда шайтон-ла йўл талашибман,
Қолдирибди ҳамроҳларим мени доғда,
Мен ўзимни зўр билиблар адашибман.

Гуё пулдай майдаладим бу умрни,
Изтиробга сотдим шодлик ва ҳузурни,
Ўлтирибман энди хору қашшоқ, гадо,
Бошин силаб очу наҳор бу ғурурни.

Юлдузларни субҳи козиб ютгунича,
Армон кўрдим йўллар кета-кетгунича,
Эй сен орзум осмонида ёнган Қуёш,
Интиламан токи умрим етгунича.

Йўллар кўрдим, не ботирлар бедов сурган,
Чуллар кездим карвонларни улоқтирган,
Меҳр сўраб қоқсам қанча қоққаларни,
Диллар кўрдим, ич-ичини қурт кемирган.

Ёзу қишим лаҳзадайин хитоб этар,
Қуёшим ҳам гуруб сари шитоб этар,
Бошим олиб Сурхондарё томонларга,
Кетай десам, йўллар мени бетоб этар.

Умрим кета-кетгунича тугамас йўл,
Кетадирман қарамасдан мен ўнгу сўл.
Онажоним тушларимга кирар яна,
Бошим аста силаб турар меҳрибон қўл.

* * *

Чирт юмиб олганча ақл кўзимни,
Айтибман ағёрга айтмас сўзимни.
Фош этиб оламга бору йўқ сирим,
Хар тошга урибман бекор ўзимни.

2010

* * *

Чоршанбадан яшай бошлайман,
Мен узгача, янги ҳаётда.
Сигаретни буткул ташлайман,
Сайр этаман оқшомлар отда.

Ҳақ Эгамга қилсам илтижо,
Йўлларимни албат очади.
Сурхон элдан Тошкентгача то,
Қирқ йил қирқта ондай кечади.

Ичимизда не сирлар пинҳон,
Не аламлар ботин, кўрингиз?
Чоршанбадан очилар Осмон,
Арш тоқига қараб турингиз.

Онам каби бағрикенг, мунис,
Туюлади менга Ер юзи.
Энди кавокиблар сайрини,
Кузатарман ҳатто кундузи.

Ҳайрат ичра кузатаман жим,
Энг ғаройиб синоатларни.
Мен кўраман лаҳзалар ичра,
Барбод бўлган коинотларни.

Чоршанбадан очилар Осмон,
Ниятларим бўлур ижобат.
Ой, йилларни унутиб тамом,
Мен бошлайман улуғ ибодат.

Бошланади ҳаётим қайта,
Вужуд дўнар шаффоф ойнага.
Аҳли олам ухлаган пайтда,
Руҳим жўнар олис самога.

Борлиқдаги қимирлаган жон,
Яратганга айтар ҳамд-сано.
Осмондаги қушлар ҳам, ишон,
Ҳақ изнисиз учолмас асло.

Энди эксам қандай зироат,
Саховатин аямас тупроқ.
Кечалари осмон қатидан,
Юлдузларни тераман бодроқ.

Чоршанбадан очилар Осмон,
Ортимга ҳеч келмайди боққим.
Қибла энди менга тўрт томон,
Осмон сари келади оққим.

2014

БАХИЛГА

Ахтаргандай яшаш учун гүё чора,
Бугун ҳамма бир иш ила банд, овора.

Кўмочига кул тортадир ёшу қари,
Ўз ишила андармондир улар бари.

Аммо гүё ўлчагудек бўйи эним,
Соям каби эргашасан нега, иним?

Емаганман нокасларнинг текин ошин,
Пиёдаман, тагимда йўқ ҳатто мошин.

Йўқ эмасдир рўзгоримда каму кўстим,
Анқога ҳам шафемасдир ёру дўстим.

Азон туриб ишхонага оламан йўл,
Ёмғир ёғса, усти бошим бўлади ҳўл.

Етишмаса гоҳи кўмир, гоҳи ўтин,
Хархаша ҳам қилиб турар уйда хотин.

Пишт демадим аммо иним, пишагингни,
Тескари ҳам қилмадим ё эшагингни.

Жаҳл қилиб, ё отангни урганим йўқ,
Онаниг ҳақда ўтрик-ўшак сурганим йўқ,

Нечун менга анчайин бир айблар тақиб,
Жосус ёки айғоқчидай этдинг таъқиб?

Сенга нима, мен тарафга қуёш чиқса,
Кутмаганда ё сигирим эгиз тугса?

Чиқиб қолсам гоҳ олдинги марраларга,
Қувончимдан қаҳ-қаҳ урсам давраларда.

Қопагон бир итдай менга ирилладинг,
Алам билан бурнинг тишлаб жирилладинг.

Чузганимдан фойда йўқдир гапни, хуллас,
Алалхусус, бошқа иш топ ўзингга, бас.

Куп куйинма бировларнинг омадидан,
Умид узма Ҳақ Эгамнинг раҳматидан.

2014



БИЗНИ ҚАЛАНДАР ҚИЛГАН

Боғда оққина олма, тиллари шакар, болма,
Бизни қаландар қилган ўша беллари толма.

Ҳавасим кетиб ногоҳ шохига узатсам қўл,
Деди, Мажнуни гадо, бу боққа кўзинг солма.

Аёғига бош қўйсам келмасдан парвосига,
Кўзимга илмасман дер,
ҳар қанча кўнглим олма.

Ағёрлардан яширдим дилимдаги оҳларим,
Рангим бўлди заъфарон,
кўрганлар айтур чолма.

Жилва этиб ағёра, қилмади моҳ наззора,
Қувиб солди эшикдан, йўқол,
йўлингдан қолма.

Машраби девонаман, аҳли дашти фаноман,
Ушшоқлар қисмати ҳамиша қийлу қолма?

Ўзи оққина олма, тиллари шақкар болма,
Қўлларимни узтсам, деди олмани олма...

2013

* * *

Ҳаёт, дедим бағринга кузат,
Инъомларинг менга ато эт.
Бисотидан ҳаёт-чи, шу пайт,
Бир оғриқни берди, тухфа деб.

Тухтамайди умр шитоби,
Йўллар гоҳ оқ, гоҳида қора.
Пешонамиз — Аллоҳ китоби,
Дарж этилар фақат бир бора.

Наҳот мени қарғади тақдир,
Кеча-кундуз топмасман ором.
Бир кам дунё, наҳотки ҳақдир,
Қонми, шароб, қўлимдаги жом?

Зирқиратар оғриқ танамни,
Ҳаёт мени этмоқда эрмак.
Чақираман тунлар онамни,
Нажот бер, деб мисоли гўдак.

Кошки тандан кетса бу оғриқ,
Сунгақларим куйдирар олов.
Энди жонга омон йўқ ортиқ,
Ёнаётир атрофим лов-лов..

Олган каби жоним гаровга,
Оғриқ мени қийнашни бас қил.
Мақсад ёқиш бўлса оловда,
Вужудимни бир хору хас қил.

Қочолмайман қисмат дастидан,
Атрофим нақ Саҳройи кабир,
Оғриқларнинг қисту бастидан
Ёнаётир кунларим бир-бир..

Таним майли хору хас бўлсин,
Майли ёнай, умрим борича.
Ҳовуримдан қувват ололсин,
Эрта гуллаб қўйган олуча.

2014



* * *

Авжи йигитлик чоғимиз,
Яшнар чаман гулбоғимиз,
Гулга тўла сўл-соғимиз,
Йўқдир юракда доғимиз.

Кўзлар боқар ўтли, мағрур,
Қадамимиз шитоби зўр,
Ловиллайди кўкка гур-гур,
Қўрли, қўтли ўчоғимиз.

Умрнинг эрта, кечида,
Севги-муҳаббат ичида,
Қизлар боқар кўз учида,
Лов-лов ёниб яноғимиз.

Толемиздан очиб-да фол,
Кулиб турса мудом иқбол,
Ўғил-қизлар топиб камол,
Шохлари ларзон боғимиз.

Кунларнинг бағри жонфизо,
Ҳар дамимиз завқу сафо,
Шамолларни этсак гизо,
Тўйиб қорин- қурсоғимиз.

Тин билмайди умри азиз,
Гоҳ мағрур, гоҳ чўккалаб тиз,
Ҳаёт — аҳди ёлғончи қиз,
Тингламас дилда оҳимиз.

Хиралашса нигоҳ—шамлар,
Оҳ, дегаймиз кўзда намлар,
Шарбатимиз шимиб ғамлар,
Отар четга пўчоғимиз.

Келди, кетдилар бизгача,
Хандон кулдилар узгача,
Яшнаб очилиб кузгача,
Сўнгра фано тупроғимиз.

2014



* * *

Кўзинг ўтрусидан излабон нежбахт,
Оромим унутиб,этдим жидду жаҳд.

Дуч келди йўлимда дашти Карбало,
Сағийру кабиру муфлис, мубтало.

Учради касларнинг баланди пасти,
Оқилу нодони ҳам худпарасти.

Қоришди кўксимда ранглар овози,
Гуллар тўлғаниши, қушлар парвози.

Савту сурудларнинг нағма,товуши,
Қалбим торларига кетди қовушиб.

Бир-бирга вобаста ришталар гўё,
Руҳимда туғилди ажиб бир дунё.

2001

СОЧЛАРИНГ ТЎЛҚИНИ

Сочларинг тўлқини сунбул-сунбула,
Дилимга солибди тўфон, ғулғула.

Сунбул сочларингда оқади тунлар,
Орзулар оқади, ҳислар силсила.

Юрагим чиққудай қинидан ғуё,
Улоқни айирган асов дулдул-а.

Сочларинг ҳар тори бир дордир, санам
Ҳар зулфи гажагинг, офат, зилзила.



* * *

Сени кўрдим, оромимни йўқотдим,
Бошларимга тушди чигал савдолар.
Ўзимни мен ишқ денгизига отдим,
Юрагимда қўпди тўфон, ғавғолар.

Фарҳод каби ул Шириннинг васфида,
Мен изладим Сени куклам фаслида,
Етолмасдан ҳаргиз малак васлингга,
Ёш ҳолимга қаддим бўлди дутолар.

Сўроқладим Сени жумла жаҳондан,
Тошкент тарафлардан, олис Сурхондан,
Коинотдан, кўкда Аршу осмондан,
Лолу ҳайрон ўн саккиз минг дунёлар.

Аҳволимни агарда билганингда,
Ҳолим сўраб ёнимга келганингда,
Фарибингга жилмайиб кулганингда,
Чақнаб кетар эди кўзда зиёлар.

Сени кўргач йўқотганман йўлимни,
Қўл узатсам, олмагайсан қўлимни,
Ҳижронингга қонга ботган дилимни,
Бармоғингга қиларсанму хинолар?

Ишонингиз муслмонлар сўзимга,
Икки олам тангу тордир ўзимга,
Жолаларим сиғмай икки кўзимга,
Ўзанидан тошар Жайхун дарёлар.

Бирор хабар айтмадилар санамдан,
Гулзоримдан эсан боди саболар.
Мажнунсифат, ўт тутатиб танамдан,
Бошим олиб, кетгум энди саҳролар.

2012




ЭСКИ НАҚЛ

Ўғил отасига дебди бир замон,
Бозорда туянинг нархи бир танга.
Ота дер, емоққа йўқдир увоқ нон,
Бир тангани қайдан топаман санга?

Минг танга бўлибди туя бозорда,
Афсус-ла сўзлабди отага ўғлон.
Манов минг тангани олгину, бор-да,
Туяни харид қил, дебди отахон.

2013



КЕЛАДУР

Хабар берди боди сабо,
Бу тонг ул ёрим келадур.
Гул-гул кийиб гулгун қабо,
Юзи анорим келадур.

Ёғдуланиб тиниқ осмон,
Шафақ айлар уфқни қон,
Тун ила кун талашиб жон,
Лайлу наҳорим келадур.

Оламнинг энг кўркам қизи,
Ороланар кўклам қизи,
Кечса ҳам минг жавзо изи,
Кўнгли баҳорим келадур.

Гулшан аро гулу чечак,
Уларга чирмашдир печак,
Уйғон энди ғофил юрак,
Гул бирла хорим келадур.

Келиб фано бозорина,
Учраб жафо, озорина,
Зор-зор қақшатиб зорина,
Гала бозорим келадур.

Уч кунлик бу дунё учун,
Бунча карру фаринг нечун?
Соқий, майингдан менга сун,
Йўғиму борим келадур.

Қисмат йўли элтар қаён,
Ёлғиз Яратганга аён,
Манзилга етгумдир қачон,
Соҳиб асрорим келадур.

Бир ён бунёд, бир ён барбод,
Ўтиб борар умри-ҳаёт,
Келмай туриб Пули сирот,
Мансури дорим келадур.

2013

ҚАРҒИШ

Ҳаромга сарфлайсан топган пулингни,
Элу юрт дод, дейди сендақа бойдан.
Тезроқ қисқа қилсин Эгам қўлингни,
Эшагинг минбаъд чиқмасин лойдан.

Эй биродар, айт-чи, недан тўлмас кўнгил,
Айюҳаннос соладирсан еру кўкка?
Инсон боши – Оллоҳимнинг тоши, билсанг,
Тушар бориб, қайга отсанг у бехато.
Чоригингни кўтар, жўна, чидамасанг,
Чидаганга чиқаргандир асли дунё.
Ўз-ўзингча бўлар-бўлмас чекиб фиғон,
Осмонларга сапчиганинг кимга даркор?
Одамзодга бир коса сув ва бурда нон, —
Кифоядир, қолганлари бари бекор.

2014

* * *

Инсон бўлсанг, чин инсон бўлгин,
Инсондайин йиғлагин, кулгин.
Вақти келиб паймонанг тўлса,
Имон билан инсондай улгин.

АЛИШЕРНИНГ САВОЛИ

Ойисин қилар сўроқ,
Тинмай содда Алишер.
Шар шаклида юмалоқ
Булса агар она Ер.
Қандай юрамиз унда,
Йиқилмасдан ҳеч жойга.
Бориб қолмаймиз нега,
Африқо ё Хитойга.

* * *

Тингланг, адажон бу кеч,
Хархаша қилмадим ҳеч,
Хўп қарашдим ойимга
Ўзим ётдим жойимга.

Ҳайвонот боғи

(туркум)

ТОШБАҚА

Шошиляпман,
Ҳаёт ўткинчи,
Яйдоқ даштда умр бир чақа.
Тош қосамни олиб қўйинг-чи,
Югурайин мен ҳам бир дафъа.

ЧАЁН

Асло яқин кишим йўқ,
Билмайман раҳм-шафқат.
Гар оғзимда тишим йўқ,
Қасбим ниш санчиш фақат.

ДАСТХАТ

Ағанаганим балчиқ, билсангиз,
Пиво ичдим атай бир бўчка.
Афсус ейсиз яқин келсангиз,
Танишмоққа ҳушим йўқ: “чўчка”.

ҚАРҒА

Келган каби отанг бозордан,
Қарр-қарр дейсан қувониб қорда.
Ва жуфтакни ростлаб баҳорда,
Қаёқларга жунадинг қарға?

ЭШАК

Ҳанградинг эшаквой ҳанг-ҳанг,
Шовқинингдан эл-юрт ҳангу манг,
Жабдуғингни олишгач дарҳол,
Ағанайсан демай тупроқ, чанг.

ҚУРБАҚА

Осилтириб буйин, бағ-бақа,
Қилган каби бизга дағдаға,
Қишин-ёзин дейсан, вақ-вақа,
Муддао не ўзи, қурбақа?

* * *

Осмон ютар оқ юлдузларни,
Алвонланиб шафақ ёнади..
Юракдаги уйғоқ сўзларни
Айтай десам, тилим қонади.

Ишонардим ёш чоғларимда,
Ўз қуёшим, ўз ойим бўлур.
Хайрат порлаб нигоҳларимда,
Ишонардим иқболим кулур.

Замин менга берарди қувват,
Хуриллатди кўнглимни осмон.
Гиёҳлар-ла айлардим суҳбат,
Тушунардим қушларни осон.

Ўтиб кетди кунлар бокира,
Энди бошқа одамман мутлақ.
Ёшлиқ қайтмас ширин хотира,
Бир ялт этиб ўчгандек чақмоқ.

Кўксимдаги бу юрак занглаб,
Ётмас дейман, бир умр ахир.
Мен Ўзимни етарман англаб,
Тилакларим қолмагай сағир.

Улғаярман энди ҳар нафас,
Ойдинланар қалбимда ҳислар.
Эл шод кулса, омон бўлса, бас,
Орзуларга етармиз бизлар!

Болаликка қайтаман гўё,
Куз ўнгимда қишлоқ, далалар.
Менга дардлар бахш этган дунё,
Айтар ажиб ойдин аллалар.

1990

* * *

Ўзим ердману осмон истайман,
Малак висолини чандон истайман.
Дилим саҳросига бўстон истайман,
Шакар еятуриб нордон истайман.

2014



ИНКОР

Оламда бир ис йўқ,
Сенингдек хушбўй,
Десам, юзларингни
Бурасан чаппа.
Оламда бир қиз йўқ,
Сенингдек хушрўй,
Десам, уз ҳуснингдан
Тондинг ҳар дафъа.

Оламда бир дил йўқ,
Менингдек сўзон.
Лолу таажжубда
Кўзимга боқдинг.
Менингдек бир қул йўқ
Нўноқ, нотавон,
Десам, шодон кулиб,
Қаҳ-қаҳа отдинг.

Йўқдир хилқат, десам
Сенингдек барно,
Ҳаёдан қизариб
Кетар юзларинг.
Содиқ қулинг бўлай,
Кўйингда танҳо
Десам, шивирлайсан,
Ёлғон сўзларинг...

1990

* * *

Манглайга битилган қисматим,
Манглайда порлаган қуёшим.
Исминг гул, изтироб, исматим,
Мунисим, суйгилим, күзёшим.

Умримнинг беадоқ йуллари,
Узилди сен билан туташмай.
Кесилди муҳаббат тиллари
Учинчи бешафқат қўл билан.

Ночорман айтолмай ноилож,
Нафратли дунёга сўзимни.
Чўлғонган сочингга бир қулоч
Ногаҳон осарман ўзимни.

Аҳдлар унутми, суйгилим,
Армонлар ёнади қонимда.
Вужудим музлади оҳ, гулим
Арвоҳдай кезарман ёнингда.

Вафолик аҳдини унутиб,
Виждонни гаровга қўярми?
Хиёнат наҳрида сузишиб,
Ваҳшийлар не лаззат туярми?

Висолми, ҳижронми, билмаймиз,
Вужудим руҳимдан бегона.
Юрагим — бир умр йиглаймиз,
Вафою садоқат — афсона!

Азизим, севгилим, қайгулим,
Армонлар ҳеч адо бўлмагай.
Ҳар кимнинг бошида бир улим,
Аммо бу муҳаббат ўлмагай.

Риё, алдовларни этиб тарк —
Руҳ қушим учади осмонга.
Мен ташлаб кетаман ғамимни
Рутубат маскани жаҳонга...

1985

* * *

Офтоб ботмасидан зулмат келмагай,
Ки бало тоғидан заҳмат келмагай,
Кутмаганда ногоҳ тухмат келмагай,
Бемаҳал изғирин — кулфат келмагай

2014

* * *

Эсимда учрашув, дилгирлик қайта,
Тугар лаҳзасида кузнинг эҳтимол.
Байтлар жароҳатга малҳам бу пайтда,
Лабимдан сатрлар учарди беҳол...
Ёлғиз шеър кўнгилга берарми далда?!
Бу ҳам юпанмоққа топилган усул.
Ҳаётим мазмуни биринчи галда,
Сен эдинг, сендан ҳам айрилдим буткул.
Кезарди оламини заъфар кўйлақда
Япроқлар шаклида титраётган куз.
Турарди нафасни ютиб йўлақда,
Сочига оқ тушган аёллар маъюс.
Қалбингнинг мулкани айлайди вайрон,
Хазонларнинг муздай жаранги ҳатто.
Телбаваш атрофга боққанча ҳайрон —
Кўзларинг сўзлайди хато, бу хато!
Сен мени юракдан тушунгил, Раъно
Офтоб ҳам чўкмоқда уфққа тараф.
Кўксимда бир қушча йиғлайди аммо
Заъфар либосдаги боғларга қараб...

1984

УЗ ҲЗИМГА Насиҳат

Ёмон одатларни ташлайин энди,
Барини қайтадан бошлайин энди,
Аввало урганиб муомалани,
Тилимни суғуриб ташлайин энди.

Суғурган тилимни дафн этиб гурга,
Ҳзимни солайин соқов ва кўрга,
Учраб қолса ногоҳ галстук таққан,
Бошимни эгайин теккунча ерга.

Каззоб, муттаҳамнинг юзидан қопдим,
Шунча рост гапириб не обрў топдим,
Охири оқибат чиққан мартабам,
Киран эшикларим тақа-тақ ёпдим.

Эсимдан чиқмайди отамнинг сўзи,
Пойлар чўнтагингни улфатлар кўзи,
Жонингу молингдан бўлсанг-да жудо,
Дусту ғанимингни этиб юр рози.

Бирорга каттани масхара қилсам,
Ҳеч ким жанозамга келмайди ўлсам,
Юрай бир чеккада чиқармай сасим,
Сиёсат катталар ишидир, билсам.

Духтирлар иши ҳам нозикдан нозик,
Негаки уларнинг қўлларида тиғ,
Ичагим бошимга салла қилгайдир,
Мабодо астойдил қилсалар аччиқ.

Бўлди, бу ҳикматни яхшилаб уқай,
Худодан қўрқмаган одамдан қўрқай.
Ичимдан ғазабим келганда тошиб
Ўзимга ўзимни бўралаб суқай.

Ёмон одатларни ташлайин энди,
Занг босган ақлни пешлайин энди,
Дайдиган итга ҳам ташлаб бир суяк,
Яшаш керак бўлса, яшайин энди.

1989

* * *

Азоб-уқубатни мулладингми, дил,
Уммон ёқасида чўлладингми, дил,
Кўклам келишини пойлаб ўтирмай,
Авжи қаҳратонда гулладингми, дил?

* * *

Ваҳдат майидан қултум тоггил кўнгил,
Ғусса занжирин узиб отгил, кўнгил.

Ғалвали бозорида озору зор,
Хилват ичра ўз-ўзинг шод қил кўнгил.

Чиқса йўлингга неча Хусравлари,
Сен ўзингни мисли Фарҳод бил, кўнгил.

Кутмасанг-да гар замондан бир вафо,
Вафо бўстонини обод қил, кўнгил.

Дўшпи тор келганда дўстлар бурса юз,
Аҳли диллар шевасин ёд қил, кўнгил.

Ончаким арзинг эшитса ул малак,
Ўзни самандардек бунёд қил, кўнгил.

Аҳди ёлғонларга ишинг тушмасин,
Ўз-ўзингга бот-бот имдод қил, кўнгил.

Кечиб дун савдосининг ғавғосидан,
Барчасидин дилни озод қил, кўнгил.

2014

АНИНГ ИШҚИ

Дилда ажиб нашъу намо,
Ахтарганим бир раҳнамо,
Ўғирлади ақлу ҳушим,
Ийсо нафас, ул махлиқо.

Ғамангиз кунлар ангори,
Етолмайман пойи сори,
Ҳеч бандаси хор бўлмагай,
Магар анинг Худо ёри.

Кездим дашти Қарбалони,
Этдим Ватан гоҳ Күнёни
Яссавийдан битта сухан,
Тегиб ўтдим бу дунёни.

Дема кошонадир олам,
Унда шодлик, ундадир ғам.
Қиёмат кун қодир Аллоҳ,
Фалакларни этгайдир жам.

Оромим йўқдир бу кеча,
Ҳажру фироқ ўртар мени.
Интилсам-да кўкка неча,
Қора тупроқ тортар мени.

Моҳипайкар, сарви-суман,
Қаро кўзим этгин Ватан,
Айлаб жон-танни вобаста,
Дил аҳлидан туз анжуман.

2014.

СУРХОН МАНЗУМАСИ

Қадрдоним Ҳамробек
Худойбергановга бағишлайман

Болалигим боғларига юзим бурсам,
Дашт еллари мавжланади кўзларимда.
Соғинчларга тўлиб-тўлиб Сурхон борсам,
Гул пояндоз тўшар қирлар изларимга.

Ота-бобом от сурган қир-адирларим,
Кўксим тўлиб олаяпман сиздан ҳаво.
Она тупроқ, мунча иссиқ бағирларинг
Юрагимга бунча яқин, азиз маъво.

Бу дунёнинг юмушлари битарми ҳеч,
Ҳаммасини ортга суриб келаяпман.
Тупроқ йўлда югурганча яна бу кеч,
Уй-ташвишсиз гўдак бола бўлаяпман.

Аждодларим дарж айлаган ўчмас дастхат,
Минг йиллардан келаётган минорлари.
Агар бунда тилга кирса дову-дарахт,
Не сирларни сўйлар Сайроб чинорлари.

Кушонийлар, Чағаниён, кўҳна Бақтр,
Зараутда юрдим бобом изларидан.

Учирса-да олисларга мени тақдир,
Қумқўрғонни олиб кетдим кўзларимда.

Ҳали ҳамон оналардан туғилмоқда,
Тўқсон алпни мот айлаган Ойбарчинлар.
Асрларнинг қатларидан ўқилмоқда,
Доно Будда ҳайкалида Далварзинлар.

Соғинчларим ардоқлаган сирли жаҳон,
Термизийлар улғайгандир қучоғингда.
Икки тоғинг суянчингдир, она Сурхон,
Гуриллайди ҳаёт чуғи учоғингда.

Ибо балқар сулувларинг юзларида,
Ориятдир ўғилларинг таққан белбоғ.
Назаркарда боболарим сузларидан,
Афлотунлар олгудайин илм, сабоқ.

Илдизларим туташгандир илдизингга,
Кўнгилларим ҳуриллайди Сурхон десам.
Ун етти йил шерик бўлдим нон-тузингга,
Бу қарзимни узолмасман ўлгунча ҳам.

Болалигим боғларига юзим бурсам,
Олис даштлар мавжланади кўзларимда.
Шамолларнинг қанотида Сурхон борсам,
Гул пояндоз солар қирлар изларимга.

2015

МУНДАРИЖА

Дустларимга.....	3
Ватан	5
«Қандай»	6
«Ёрим».....	6
Элдошларим	7
«Урим».....	8
Сарбон бўлмаса	9
«Ишқ савдоси».....	10
Улуғ Ватан	11
Инсон	13
Ўзбекистон	15
«Элик, ҳатто»	16
Болалик армонлари	18
Юксалар пок нијатдан	20
«Сен келсанг-да».....	21
«Сен ким»	22
«Ҳаёт — бир ялт этиб».....	23
Диллар билар.....	25
Фасли куклам	26
«Куйингда».....	26
Одамий бул	27
«Аҳдим бузиб»	29
Эй жон	30
Парвардигордан булак	31
Чалпак ёққан кеча	32
Инсон умри	34
Сени севиб	35
Қарзим бор	36
Умид беланчаги.....	38
Дам ганимат	40
«Агар сен»	41
Майдон ичинда	42
Яшаш ҳуқуқи	43

«Тонг ёдга».....	45
«Сузинг».....	46
«Жонимни».....	46
Кузнинг юпун кечалари	47
Юракка деганим	49
«Кун кунки».....	50
Умр доволари	51
Эрка хаёлим малаги	53
«Менинг».....	54
Ой юзингни	55
«Баланд тоғлар».....	56
Олам элида	57
«Васлингга».....	57
«Сени севдим».....	58
Олис хотира	59
«Келганида гулдай»	60
Ай қиз	61
Гулим	62
«Беғубор у».....	63
Мен кетганда	64
«Муҳаббат ишқила»... ..	66
Дилмуроднинг шеъри	66
«Қўнгил».....	67
«Улусга».....	67
... га	68
Дилда озорлар	69
Потини	70
«Ўтиб борар».....	71
Суманбарим	72
Шоир булсанг	73
Болажон	74
«Эй сатпора».....	75
Тилак	76
«Ёрингни».....	77
«Дашти биёбон».....	77

Шукрона	78
«Ишқ».....	79
«Ай гул».....	79
Кукламойим келдилар	80
«Моҳитоб».....	81
«Ҳаёт уммонида».....	81
«Дардим кўп».....	81
Ҳаётманки	82
«Мужгонларинг».....	84
Видо айтдинг	84
Юрагим	85
«Наҳот».....	86
«Шон на керак».....	86
«Боғимда».....	87
Уйғон Туркистон	88
«Жаҳон».....	89
«Жафокорим».....	89
Ватанга тош отганлар	90
Дураҳшон юлдузлар	91
Болалик дарслари	92
«Ҳижрон».....	93
«Сочинг».....	93
«Февралнинг».....	94
«Олтину».....	95
Худодан қолма	96
«Ошиқ кунглим»	98
«Фироқингда».....	99
«Инсон».....	99
Гулпари	100
«Ўзбекистон».....	101
Умрим кета кетгунча	103
«Чирт юмиб».....	104
«Чоршанбадан яшай».....	106
Бахилга	107

Бизни қаландар қилган	109
«Ҳаёт, дедим».....	110
Авжи йигитлик... ..	112
«Кузинг утрусидан»... ..	114
Сочларинг тўлқини	115
«Сени кўрдим»... ..	117
Эски нақл	118
Келадур	119
Қарғиш	120
«Инсон бўлсанг»... ..	120
Эй биродар	121
Алишернинг саволи	123
Тингланг... ..	123
Тошбақанинг утинчи	124
Чаён	124
Дастхат	124
Қарға	125
Эшак	125
Қурбақа	125
«Осмон ютар».....	126
«Ўзим».....	127
Инкор	128
«Манглайга».....	129
«Офтоб».....	130
«Эсимда»... ..	131
«Изларингни».....	132
Ўз-ўзимга	133
«Азоб»	134
«Ваҳдат майидан»... ..	135
Анинг ишқи	136
Сурхон манзумаси	137

Адабий-бадий нашр

Абдумажид Азим

УМИД БЕЛАНЧАГИ

Шеърлар

Муҳаррир: *Даврон Улуғмуродов*

Бадий муҳаррир *Шухрат Мирфаёзов*
Техник муҳаррир *Екатерина Корягина*
Мусаҳҳиҳ *Доно Туйчиева*
Компьютерда саҳифаловчи *Л. Соатова*

Нашр. лиц. № 154. 14. 08. 09. Босишга 18 январь
2016 йилда рухсат этилди. Бичими 70x90^{1/32}. Таймс
ТАД гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
тобоқ. нашр тобоғи. Адади 1000 нусха.
рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий
уйида чоп этилди. Тошкент 100128.
Labzak кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзилимиз:
www.gglit.uz
e-mail:info@gglit.uz